ДАЛАДАГИ КВАДРАТ—СЕНИ ҚИЛАР БАДАВЛАТ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 74 (2365), | 14 апрель, якшанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

1963 йил 13 апрелда Совет Иттифоқида Ернинг яна бир сунъий йўлдоши — «Космос-14» учирилди. Бу сунъий йўлдошга 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Йўлдош қуйидаги параметрлар билан орбитага чиқарилди:

— Ер атрофида айланиб чиқишининг дастлабки даври — 92,1 минут,

— Ер юзасидан бўлган энг узоқ масофа (апогей) — 512 километр,

— Ер юзасидан бўлган энг яқин масофа (перигей) — 265 километр,

— Орбитанинг экватор юзасига оғиш бурчаги — 48 градус 57 минут.

Илмий аппаратлардан ташқари йўлдошда қуйидагилар бор:

— 20,004 мегагерц частотада ишлайдиган радиопередатчик,

— орбита элементларини аниқ ўлчаш учун хизмат қиладиган радиосистема;

— асбоблар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система.

Йўлдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координация-ҳисоблаш маркази йўлдошдан олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

Самовий йўллар кашфиётчиларининг байрами

МОСКВА, 12 апрель. (ТАСС). Бугун соат 17 да Кремлдаги Съездлар саройида Москва меҳнаткашларининг Космонавтика кунига бағишланган тантанали йиғилиши очилди. Бу ерга тўпланган кишилар космонавт учувчиларни, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Тантанали йиғилишни Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди. СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш нутқ сўзлади. У, ўтган икки йил ичида космоси тадқиқ қилишда совет фани ва техникаси эришган муваффақиятлар тўғрисида гапирди. Пойтахт ишчилар синфи ва студентларининг вакиллари совет кишисининг космосга дастлабки парвозларини таъминлаган космонавтлар, олимлар, инженер ва ишчиларни табрикладилар.

Йиғилишда космонавт учувчилар Юрий Гагарин ва Андриян Николаев нутқ сўзладилар.

СССР РАССОМЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ВИРИНЧИ ПЛЕНУМИ

МОСКВА, 13 апрель. (ТАСС). Бугун СССР Рассомларининг II съезди ўз ишини тамомлади. Сўнгги Союз янги правлениесининг пленуми бўлди. Пленумда 23 кишидан иборат правление секретариати сайланди. Пленум қатнашчилари СССР халқ рассоми С. Герасимовни яқдиллик билан биринчи секретарь қилиб сайладилар.

Қуйидагилар СССР Рассомлар союзи правлениесининг секретарлари қилиб сайланди: М. Аникушин (Ленинград), Н. Абдураҳмонов (Озарбайжон), Г. Айтиев (Қирғизистон), Е. Белашова (Москва), И. Богдеско (Молдавия), Б. Бородай (Украина), М. Витолинь (Латвия), У. Жапаридзе (Грузия), Я. Енген (Эстония), И. Икромов (Ўзбекистон), В. Касиян (Украина), И. Қличев (Туркманистон), И. Кузминскис (Литва), П. Лебедев (Москва), А. Лопухов (Украина), Р. Парсамян (Арманистон), К. Рождественский (Москва), В. Серов (Москва), Д. Суслов (Москва области), К. Тельжанов (Қозоғистон), Х. Хушвақтов (Тожикистон), В. Цвирко (Белоруссия).

И. Титов (Москва) СССР Рассомлар союзи марказий ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Азиз дўстлар, Ўзбекистон пахтакорлари! Мамлакат биздан кўплаб „оқ олтин“ кутмоқда ва биз шу „оқ олтин“ни бермоғимиз керак. Бунинг учун ҳамма имкониятларимиз бор. Иш фақат ўзимизга, ўзимизнинг уюшқоқлигимизга, фидокорона меҳнат қилишимизга боғлиқ.

ДАЛА ИШЛАРИ СУРЬАТИ ВА СИФАТИНИ ОШИРАЙЛИК!

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК!

МЕҲНАТИНГ ЗЕБУ-ЗИЙНАТИНГ

«УМУМХАЛҚНИНГ МУЛ ПАХТА УЧУН КУРАШИДА ҲАР БИР КИШИ ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ, ЎЗИНИНГ БУТУН КУЧИНИ ТУЛА ИШГА СОЛИБ, ВИЖДОНАН МЕҲНАТ ҚИЛИШИ КЕРАК. БУ ЙИЛ — ҲАММА КАДРЛАРИМИЗ ЕТУКЛИК ИМТИҲОНИДАН УТАДИГАН ЙИЛДИР. БИНОБАРИН, ҲАР БИРИМИЗ БУ ИМТИҲОНДАН ШАРАФ БИЛАН ЎТМОҒИМИЗ КЕРАК».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кечаги газеталарда эълон қилинган Мурожаатидаги бу шиор, бу даъват ҳаммамизга, ризқ уруғларини сепувчиларга тааллуқли. Негаки, бизнинг бутун ҳаётимиз ва тақдиримиз, бисотимиз ва рўзғоримиз пахта билан чамбарчас боғлиқ. Пахта — элнинг бойлиги. Бирон бир иқлимда ҳам ундан қимматроқ ва муқаддасроқ экин йўқ. Пахтаси борнинг оғзи мой. Пахтаси борнинг турмуши ширин. Пахтаси бутуннинг кўнгли бутун. Пахта — юртимизнинг белидаги дармон, коммунизм йўлидаги карвон. Халқимиз уни суйиб, ардоқлаб «оқ олтин» деб таърифлайди.

Мурожаатда таъкидланганидек, ўзбек диёрининг бу йилги 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин»и учун курашда ҳар бир киши ўз ўрнини эгаллаши лозим. Пахта — умумхалқ иши, кураш. Бу ишда, бу курашда бетараф бўлиб қолишга, қуруқ томошабинлик қилиб туришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Биз ғалабаларни қайд қилувчилар эмас, балки ғалабаларни тобловчилар бўлишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Ахир, шу юртнинг тузини ичгандан кейин, шу ерни тепиб катта бўлгандан кейин, унинг юмушидан, дастўридан, ҳаракатидан четда туриб бўладими! Шиор ўз қалами, олим ўз кашфиёти, ишчи ўз дастгоҳи, кимёгар ўз ўғити, санъатчи ўз истеъдоди билан пахтамизга доим қарашиши, коммунизмнинг моддий ноз-неъматларини мўл-кўл қилишда софдиллик, тиришқоқлик, ғамхўрлик кўрсатиши зарур. Шундай қилайликки, ҳамма пахтага кўз-қобоғим деб қарайдиган бўлсин, пахтанинг меҳригиёси билан яшасин!

Халқимизнинг меҳнат ҳақида чиройли ғаплари кўп: Меҳнатни аямасанг ҳосил қайнайверади. Меҳнат қилсанг яшарсан, катта-катта ошарсан. Одамни пўстин эмас, иш қиздиради. Меҳнатнинг таги роҳат. Дарахт — япроғи билан, одам — меҳнати билан кўркам. Меҳнатда синалган элда азиз. Дарвоқе, шундай. Бу элда кимки меҳнатини эгиз-эгиз қилса, ўшанинг давлати ҳам эгиз-эгиз бўлади. Бу элда кимки ғайратини аямаса, ўшанинг мартабаси ҳам баланд бўлади. Бу элда тер тўкиб ишлаганни биз коммунизм кишиси деймиз. Ҳозир олтин ўтда, одам меҳнатда билинадиган дам келди. Ерга чигит қадалаётганда ҳаммамиз ишга барака киритишимиз, кузги тўкинлик учун жонбозлик қилишимиз керак. Ҳамма ўзбек совет пахтачилигининг шарафи учун курашда ўз мавқеини, маррасини эгаллаши!

Деҳқонлар, ҳаракатинг эрта бўлса, кузда эрта ўрарсан, деганлар. Агар бугун биз чигитни ернинг ости-тобида, кучини ва иманини кетказмай, саф-баста бўлиб экиб олсак, ризқимизни табиатнинг кеч кузакдаги инжиқликларигача ердан тез териб олган бўламиз. Кузги баракатнинг бошн баҳорги ҳаракат. Экишда, деҳқончиликда вақт-ғанимат. Вақтида тушса уруғ, сени қўймайди қуруқ. Ўтга тушган — кул бўлар, ерга тушган—гул бўлар. Бинобарин, ҳозир бутун кучни, резервни чигит экишни кучайтиришга ташлаш, бутун диққат-эътиборни чигитни аниқ квадратлаб, расамати билан экиб олишга қаратиш жуда муҳимдир. Нақлда айтилгани каби, даладаги квадрат сени қилар бадавлат. Чигит ерга карж-карж қилиб экилса, кўп меҳнатинг, давлатинг зое кетмайди, машина корингга ярайди. Пахтани этакка эмас, буйкерга йиғасан. «Зангори кема»лар иш қисталанг кезларда жонингга оро киради, қўлингни ушламайди. Шунинг учун ҳам чигит машинабоп қилиб, бир текис экилиши шарт.

Тома-тома кўл бўлур деганларидек, бизнинг уч ярим миллион тоннадан зиёд «оқ олтин»имиз ҳам битта-битта чигитдан, ғўзадан, чаноқдан олинади. Демак, пайкалларда тупларнинг белгиланган қалинликда бўлиши мўл ҳосил етиштиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Ерга чигитимиз ипга тизилган маржондек текис жойлансин, бир қарич ер ҳам ниҳолсиз, очилиб қолмасин!

Сир эмас: ўтган йили сўзимизнинг устидан чиқолмай, доғда қолдик. Республикамиз, жумладан, бизнинг областимиз давлат хазинасига мўлжалдаги бойликни топшираолмади. Тағин юзимиз шувит бўлмасин десак, ваъдабоз эмас, тадбиркор бўлайлик, меҳнатимизнинг роҳатини кўрайлик десак, сафсата сотиш ўрнига амалий иш қилайлик, партиямизни, Ватанимизни, халкимизни коммунизм арафасига ярашадиган улуғ туҳфалар билан қувонтирайлик! Буниг учун пойтахт область пахтакорлари ҳам бир кучга ўн куч қўшиб ишлашлари, Тошкент областининг 321 минг тонналик қизил карвоннни тузишга шу вақтданоқ замин қўйишлари лозим.

Хўжаликлардаги ҳосилдорликда ҳали ҳам тафовут катта. Ёнма-ён жойлашган, даласи даласига туташ бўлган, бир сойнинг сувини ичадиган колхозлар икки хил ҳосил оладилар. Энди шундай қилайликки, ҳосилдорликда паст-баландлик бўлмасин. Шу жиҳатдан олганда, пешқадам хўжаликларнинг чўкиб қолган хўжаликларга мадад бермоқчи бўлганликлари диққатга сазовор. Газетамизнинг бугунги сонида қолоқ хўжаликларни оталикка олаётган колхоз ва совхозлар ҳақида материал босилган. Энди гап бизнинг ўз сўзимизнинг эгаси бўлишимизда қолган. Шундай қилайликки, ҳар бир бақувват хўжалик ўз ён қўшнисига жон қўйним деб қарасин!

Республика партия ташкилоти ва ҳукуматининг барча колхозчиларга, совхоз ишчиларига, мутахассисларга, коммунист ва комсомолларга, қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаати бир йилги қиладиган катта ишимизнинг, пахтачилигимизнинг программ хужжатидир. Унда ҳар кимнинг вазифаси, бурчи аниқ белгилаб берилган. Бу Мурожаатни ҳар бир колхозчининг қалбига ва онгига етказиш, пахтачиликнинг давлат аҳамиятига моликлигини турмуш-турмушимизга сингдириш лозим.

Мурожаатда алоҳида қайд қилинганидек ва биз кунда сезиб турганимиздек, пахтачилигимизга бутун мамлакат меҳрибон. Партиямиз, ҳукуматимиз, унинг янада равнақ топиши учун ҳеч нимани аямаётирлар. Машиналаримиз бут, минерал ўғитларимиз етарли, пахтамизнинг харид нархи яхши, шарт-шароит жойида. Энди биздан фақат битта нарса талаб қилинади: бу— меҳнат, инсон учун, инсонинг бахти-саодати учун қилинадиган миллионлар меҳнати, пахтакорлар ва жўхорикорлар меҳнати, чорвадорлар ва пиллачилар меҳнати.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1 Май Чақириғи қулоқларимизга жаранглаб эшитилиб турибди:

— Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Кўкламги экишни намунали ўтказиш учун, дон, техника экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини кенг авж олдирингиз!

Мажбуриятимизни бажардик! деб, очиқ кўнгил, чин виждон билан партияга, ҳукуматга, қадрдон Никита Сергеевич Хрушчевга, бутун совет халқига рапорт беришдек олий ҳуқуққа сазовор бўлиш учун:

— Ишга, азиз ўртоқлар! Коммунизм тантанаси йўлида янги ютуқлар сари!

ЧАҚИРИҚҚА ЖАВОБАН

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари бригадамиз аъзоларининг меҳнат шижоатини янада ошириб юборди. Ҳар гектар ердан 14 тоннадан картошка, 20 тоннадан сабзавот ва 23 тоннадан полиз маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олган сабзавоткорларимиз шу долзарб кунларда дала ишларини тобора қизитаётирлар.

Коллективимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ўнлаб гектар майдонга картошка, пиёз, карам ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қулай агротехника муддатларида барвақт экиб бўлинди. Ҳозир экинларнинг дастлабки парваришига киришилди. Карамга сув таралиб, пиёз ўтоқ қилина бошланди. Бригадамизда навбатдаги экиш ишларига ҳам жиддий тайёргарлик бормоқда. 6 гектар ер помидор кўчатлари экиш учун ҳозирлаб қўйилди.

70 гектар майдонда 1209 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун курашаётган фидокор колхозчиларимиз эртаги сабзавот экинлари экишни шу яқин ҳафталар ичида тугаллаш иштиёқида ғайрат кўрсатиб ишлаяптилар.

Ш. ТОШПУЛАТОВ.

Қалинин районидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири.

ҚАЛБГА ҲАРОРАТ ҚЎШДИ

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаати бригадамиз пахтакорларининг меҳнат ғайратини жўш урдириб юборди. Улар бу қизғин даъватни чигит экишни қизғин бошлаб юборган бир пайтда кутиб олдилар.

Бу оташин Мурожаат бригадамиз аъзоларининг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди. Ҳозир далаларимизда мўл ҳосил учун астойдил кураш давом этяпти. Бу йилги режамиз катта. 67 гектар майдонга чигит экиб, гектаридан 24 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» етиштирмоқчимиз. Шу кунгача 20 гектардан ортиқ майдонга чигит экдик.

Биз астойдил меҳнат қилиб, ёўзимизни уддалаймиз.

Т. ЙЎЛДОШЕВА.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхозининг бригадири.

ЭКИШ ИЛҒОРЛАРИ

Ер майин қилиб юмшатилиб, кафтдек текислаб қўйилган эди. Шунинг учун ҳам экипаж аъзолари сира қийналмасдан чигит экмоқдалар. Сеялкачи Х. Обидов, тракторчи М. Обидов ва экипаж аъзолари А. Маҳамадов, С. Усмонов, У. Убайдуллаев ўртоқларнинг ишидан колхозчилар хурсанд.

— Биз бу йил,— дейди бригада бошлиғи Умри Ҳасанова,—79 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганмиз. Экишни қисқа муддатда тугаллаб, чигитни ернинг ўз намига ундириб олиш учун апрель ойида ғайрат билан меҳнат қиламиз. Квадратларнинг аниқ чиқишини таъминламоқдамиз.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «XXII партсъезд» колхозининг бу илғор бригадаси аъзолари дала ишларини тобора кучайтирмоқдалар. Дастлабки куни 8 гектар ерга чигит эккан бригада пахтакорлари аста-секин суръатга-суръат қўшиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Бошқармадаги Куйбишев номли колхозининг ўртоқ О. Файзиалиева бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам чигит экишни тез ва сифатли ўтказиш учун курашмоқдалар. Тракторчилардан Абдухолиқ Раззоқов, А. Зоиров ўртоқлар айниқса ғайрат кўрсатишаяпти.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ,
А. РАЗЗОҚОВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленинград» колхозининг чорвадорлари мўл-кўл емхашак базасини тайёрлаш мақсадида эртаги нўхат, маккажўхори етиштиришга астойдия киришиб кетдилар. 21 гектар ерга нўхат экилган эди. Шу кунларда униб чиққан нўхат ер бетида гуриллаб турипти. Унинг 10 гектари дон учун ва 11 гектари кўкпоя учун ажратилди. Шунингдек, колхозда 210 гектар майдонга маккажўхори экилди. Унинг 100 гектари кўкпоя учун, 110 гектари дон учун ажратилди. Маккажўхорикорлар ҳар гектар майдондан 800 центнердан кўкпоя ва 50 центнердан дон етиштиришмоқчи.

С. МИРЗАЛИЕВ.

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммуна» колхози далаларида маккажўхори экиш ишлари қизғин давом этмоқда. Шу кунгача 300 гектар ерга маккажўхори экиб бўлинди. Унинг 250 гектари кўкпоя силоси учун ва 50 гектари дон олиш учун ажратилган.

Ш. МИРТУРСУНОВ.

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

— Халқимизнинг бир кун бурун эксанг ҳафта бурун йиғасан деган доно гапи бор,— дейди Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг тюпкочи бригадаси бошлиғи ўртоқ Расул Исоқов,—шунга амал қилиб ер тобига келиши биланоқ чигит экишни бошлаб юборган эдик. Ҳозиргача 75 гектар майдонимизнинг ҳаммасига чигит экиб бўлдик. 65 гектар майдонга чигитни уяларга аниқ уруғ ташлайдиган сеялкалар билан 60х45 схемасида экдик.

Ҳақиқатан ҳам бу бригаданинг ишига қойил қолса бўлади. Бригадирнинг ўзи сеялкачи Ўсар Маҳмудов билан бир агрегатда, укаси Бўри Исоқов эса сеялкачи Суннат Маҳмудов билан иккинчи агрегатда ишлаб, зўр шижоат кўрсатди. Чигит қулай агротехника шароитларида экилгани учун ернинг нами билан қийғос униб чиқди, текис яшил квадратлар хосил бўлди.

Колхознинг ўртоқ Қ. Абдураимов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида ҳам иш кўнгилдагидек бормоқда. Бригада аъзолари Мурожаатга жавобан соцпалистик мусобақани авж олдириб, чигит экишни эрта тугалладилар.

Шунингдек, бу йил 1300 гектар майдондан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган райондаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида ҳам экиш ишлари кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Экиш агрегатлари билан ҳар куни 60-70 гектар ерга чигит экилаяпти.

Экишда Ф. Сефершаев, М. Тузелбоев, О. Тешабоев ва Э. Сартбоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар олдинда бормоқда.

Ғ. ТУРСУНХЎЖАЕВ,
Қ. БЎЛГАНБОЕВ,
Т. ҚУВОНДИҚОВ.

ҚОЛОҚЛАРГА ПЕШҚАДАМЛАР ЁРДАМИ

КПСС Марказий Комитети Урта Осиё бюроси қолоқ бригада, колхоз ва совхозларни кўтариш юзасидан илғор пахтакорларнинг кўрсатган ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Бундай илғор пахтакорлар Тошкент областида ҳам кўплаб топилади.

Областимиздаги илғор колхоз ва совхозлар қолоқ хўжаликларга оталик ёрдамини кучайтириш юзасидан ажойиб ташаббус бошладилар. Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитетининг II Пленуми уларнинг бу ташаббусини маъқуллади.

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози (директори И. Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари Пак Владимир ўртоқлар) 1.«Оққўрғон» совхозини, Дмитров номли колхоз (раиси Мун Сен-Ер, партия ташкилотининг секретари Қодиров ўртоқлар) «Коммунизм» колхозини, Энгельс номли колхоз (раиси А. Сафаров, партия ташкилотининг секретари Ким Владимир ўртоқлар) Калинин номли колхозни, Ленин номли колхоз (раиси Кан Иннокентий, партия ташкилотининг секретари Пак Сергей ўртоқлар) «Октябрь» 40 йиллиги» колхозини, Киров номли колхоз (раиси Д. С. Михайличенко, партия ташкилотининг секретари Ким Владимир ўртоқлар) Ҳамид Олимжон номли колхозни, «Ленинград» колхози (раиси Тен Чан-Ен, партия ташкилотининг секретари Д. Бойбўтаев ўртоқлар) Карл Маркс номли колхозни;

Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Политотдел» колхози (раиси М. Г. Хван, партия ташкилотининг секретари Пак Ден-Ен ўртоқлар) «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозини, Свердлов номли колхоз (раиси Ким Дмитрий, партия ташкилотининг секретари Цой Павел ўртоқлар) Жданов номли колхозни, «Правда» колхози (раиси И. А. Цой, партия ташкилотининг секретари Югай Григорий ўртоқлар) «Чирчиқ» колхозини, Фрунзе номли колхоз (раиси И. Ирисбоев, партия ташкилотининг секретари Т. Холмирзаев ўртоқлар) «Ленинград» колхозини;

Урта Чирчиқ бошқармасидаги «Полярная звезда» колхози (раиси Ким Пен-Ҳва, партия ташкилотининг секретари Ким Константин ўртоқлар) Ленин номли колхозни, Охунбобоев номли колхоз (раиси М. Рўзиматов, партия ташкилотининг секретари Гулматов ўртоқлар) «Коммунизм» колхозини, Киров номли совхознинг 1.бўлими (бошқарувчиси ўртоқ Муталов) шу совхознинг 3.бўлимини;

Калинин бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози (раиси А. Матқобулов,партия ташкилотининг секретари А. Соатов ўртоқлар) «Коммунизм» колхозини, Ленин номли колхоз (раиси Т. Нормуҳамедов, партия ташкилотининг секретари М. Рашидов ўртоқлар) «XXII партсъезд» колхозини, Карл Маркс номли колхоз (раиси Ғ. Абдуллаев, партия ташкилотининг секретари Х. Қўчқоров ўртоқлар) Куйбишев номли колхозни, Охунбобоев номли колхоз (раиси С. Раҳматуллаев, партия ташкилотининг секретари З. Жалолов ўртоқлар) Навоий номли колхозни, Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Урта Осиё тажриба станцияси (директори К. А. Висоцкий) Бекобод бошқармасидаги Ленин номли колхозни;

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Шарқ юлдузи» колхози (раиси Х. Турсунқулов, партия ташкилотининг секретари У. Жўраев ўртоқлар) Калинин номли колхозни, «Ленинизм» колхози (раиси А. Ортиқов, партия ташкилотининг секретари Ю. Толипов ўртоқлар) Жданов номли колхозни, «Коммунизм» колхози (раиси М. Исматов, партия ташкилотининг секретари Б. Мирзараҳимов ўртоқлар) Фрунзе номли колхозни, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози (раиси И. Аҳмедов, партия ташкилотининг секретари Х. Бўлисбоев ўртоқлар) Навоий номли колхозни, Охунбобоев номли колхоз (раиси М. Пўлатов, партия ташкилотининг секретари К. Йўлдошев ўртоқлар) Собир Раҳимов номли колхозни, Ленин номли колхоз (раиси Н. Авазов, партия ташкилотининг секретари Т. Султонов ўртоқлар) «XXI партсъезд» колхозини, «XIX партсъезд» колхози (раиси Ю. Файзиев, партия ташкилотининг секретари Р. Ниёзов ўртоқлар) «Интернационал» колхозини, Свердлов номли колхоз (раиси У. Мусаев, партия ташкилотининг секретари И. Раҳматов ўртоқлар) «Москва» колхозини, «Қизил Октябрь» колхози (раиси Ж. Очилов, партия ташкилотининг секретари М. Аҳмедов ўртоқлар) Энгельс номли колхозни, Карл Маркс номли колхоз (раиси С. Шамсиев, партия ташкилотининг секретари А. Мажидов ўртоқлар) «Ленинград» колхозини, «Чиноз» совхози (директори Аъзамов, партия ташкилотининг секретари Х. Исмоилов ўртоқлар) Урта Чирчиқ бошқармасидаги Тошкент наслчилик совхозини ўз оталикларига олдилар.

Область қишлоқ партия комитетининг пленуми область партия комитети бюросига йил охирида қолоқ хўжаликларни оталикка олган колхоз-совхозларнинг ишларига якун ясашни топширди.

Бу гўзал пайкал Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Шоди Раҳматов бошлиқ бригадасига қарашли. Деҳқонлар бу йил 105 гектар майдондан 28 центнердан хирмон кўтаришмоқчи. Тракторчи А. Султонов ва сеялкачи З. Мирзаев ўртоқлар бошқараётган агрегат чигитни ҳам жадал, ҳам сифатли экяяпти. Суратда: (чапдан) бригада деҳқонларидан Р. Умурзоқов ва И. Усмонов ўртоқлар экиладиган уруғни кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

ГЎЗАЛЛИК

Емирдан ивиб, иссиқдан қовжираб, пўст ташлаган пастқам деворлар орқасидан қомат кўрсатиб турган бўйдор олча дарахтлари оппоқ булут парчасига ўхшайди. Ҳамроқул Бўлисбоев девор ёқалаб ёлғиз оёқ йўлдан бораркан, ана шу олча дарахтларига завқ билан қараб-қараб қўяди.

— Гул кўп, демак мева кўп бўлади,— деди ўзига ўзи.

Шу вақт турган енгил шабода димоққа ялпиз ҳидини олиб келди. Олча дарахтлари аста чайқалиб, уларнинг новиқ гуллари худди капалаклар сингари бирин-кетин чувалашиб, учабошлади.

Бўлисбоев ҳозиргина гул қанча кўп бўлса, ҳосил шунча мўл бўлади, деб дилидан ўтказган эди. Дайди шамол эса қанча гулларни ўзи билан олиб кетди-я!

Пахтага қаралмаса, унинг гули ҳам худди шундай бўлади. Ўқ теккан қушдай ўзини таптап ерга ташлайди.

Идора ҳовлисида одамлар кўринди. Бўлисбоевнинг хаёли бўлинди. У ҳозир ўша таниш кишилар қошига шошиларди. Ахир, у колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари-ку. Бугун колхоз коммунистлари йиғилиб, чигит экишни беками-кўст ўтказиб ғўза қўчатларини бир текис ундириб олиш масаласини қараб чиқмоқчилар.

Парторг коммунистлар билан кўришиб, ўз кабинетига кирди. Бу ердан йиғилишга оид ҳужжатларни олиб ташқарига чиқди. Залга кирганда агроном Сартбой Миралиев билан Мўлдақан Абдурасуловни кўрди ва уларга қўл берди.

— Тайёрмисизлар?— деб сўради.

— Гапиришгаку тайёрмиза, лекин.. деб сўзини ярим йўлда қолдирди Миралиев.

— Лекин... деб гапни мужмал қилманг, нимага тайёр эмасмиз. Ана шулар ҳақида фикрлашиб, маслаҳатлашиб кўкламни кўкран кериб қарши олиш учун йиғиляпмиз.— деди парторг хаёлга чўмиб, ийманиб турган Сартбойга.

— Ҳамроқул ака дуруст гапирадилар, камчиликларимиз бўлса, йиғинда дангал гапириб олишимиз керак, дўстим.— деди Абдурасулов суҳбатга аралашиб.

Шу вақт залга одамлар киришди. Раис Исмадиёр Аҳмедов, механизация бўйича раис ўринбосари Рустам Ўсарбеков олдинги қаторда ўтиришипти. Коммунистлардан Шараф Иброҳимов ва Абдуҳамид Мўминов салом бериб кириб келишди. Иброҳимов — сувчи, Мўминов эса механизатор бўлиб ишлайди. Бири чигит экиб ғўза сугорса, бири тупроғини юмшатади. Ҳар иккиси ҳам асл пахтакор. Уларнинг оёғи етган жойдан олтин унади, хирмон қўтарилади.

Бу икки тажрибали пахтакор бугунги йиғилиш да гапирса яхши бўларди. Баҳорнинг фаъли ҳамма маълум—жуда серишва, бир кулиб боқса, бир димоқ қилади.

Йиғилиш кун тартибида чигит экишни сифатли ўтказиб, ғўза парваришини ўз вақтида бошлаб юбориш масаласи кўрилди. Бу ҳақда биринчи сўз агрономларга берилди.

Миралиев ҳозирги дала ишларини бултурги ишлар билан солиштириб, айрим жойларда беғамлик кайфияти борлигини айтди.

Бултур бу вақтда қанақа ишлар бўлганди. Пахта ундиришга нимаики керак бўлса, ҳаммаси тахт қилиб қўйилган эди. Бугун бўлса паркда бузуқ тракторлар ётипти.

Гапнинг сирасини айтганда,— деди Миралиев ўз сўзига якун ясаб, — дала ишларимизнинг бориши ҳеч кимни қониқтирмайди Техника ҳам бут эмас. Бунинг устига тюпкочи звеноларнинг ҳам ҳали ишга киришиб кетганларича йўқ. 33 трактордан 25 таси ремонтдан чиқипти. Колган 8 таси колхозга керак эмасми? Нимага уларни созлаб-мойлаб қўймаймиз? Техника оқсаса — планимиз оқсайди, ваъдамиз оқсайди. Бу кечбиримизга сир эмаску, ахир.

Кейин Абдурасулов сўзга чиқди. У сўзни ерга ер қўшишдан, ғўза қўчатларини белгиланган қалинликда бўлишини таъминлашдан бошлади:

— Ўтган йили 18 бригада планини қойил қилиб бажарди. Мана бу ерда Махкам ака ўтиріптилар. Булар бошлиқ бўлган 2-бригада 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта топширдилар. Ёки Аббос ака Исмоиловни олиб кўрайлик. Уларнинг 13. бригадалари ҳам ҳар гектар ҳосилига қирқ центнерга яқин ҳосил кўтардилар. Аббос ака ўтган йили 86 гектарга пахта экиб, гектаридан 38 центнердан хирмон қўтарган бўлсалар, бу йил 125 гектар ерга чигит экмоқдалар. Мўлжал эса гектаридан қирқдан кам бўлмайди, дейдилар. Офарин деса арзийдиган иш! Маҳкам ака эса бу йил ҳам ҳаммангиздан ўтиб кетаман деб мўйлаб бураб ўтиріптилар.

Агроном ўтган йилги ишларни таҳлил қилар экан, мўл ҳосил етиштиришнинг замини ҳақида батафсил гапирди. Кўчат қалинлиги ва техника кучига эътибор бермаганлар ютқазиб қўяди, деди у. Маҳкам ака билан Аббос акалар ўз бригадалари ҳар бир карта, ҳар бир метр ерда қўчатнинг текис униб, ривож топиши учун ва икки томонлама ишлаши учун жон куйдириб келмоқдалар. Бу муваффақиятлар гаровидир.

Йиғилиш тобора қизиб, дарё тўлқинидек мавжланиб, баҳор нафасидай жозибали тус оларди. Музокарага раис, йиғадир Дўстой Бегенов, Рустам Ўсарбоев ва бошқалар чиқди. Раис ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмаган Қурбон Юсупов, Малик Жангиров, Арслон Иброҳимов бошлиқ бригадаларнинг пахта етиштиришда йўл қўйган хатоларини таҳлил қилди.

— Бу бригадаларда ғўза қўчатлари бир томондан нотекис бўлса, иккинчи томондан парваришни бўшаштириб юбордилар. Натижада қўчатлар ҳашаротга йўлиқди, сувдан қолди, бунинг оқибатида мадори қуриб секин ўсди. Биз йил охирида йиғилиш ўтказиб бу бригадаларга янги кишиларни бошлиқ қилиб тайинладик. Биз бултурги хатони такрорламайлик. Бунинг учун ишни ҳозирданоқ, шу йиғилиш даргохидан пухта уюштириб юборайлик.

Йиғилиш охирида парторг Бўлисбоев гапирди. У, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси пахтакорларининг ватанпарварлик ташаббуслари ҳақида, бошқарманинг колхоз ва совхозлари 1963 йилда бутун экин майдонининг ҳар гектаридан 27,1 центнердан пахта олиб, ялпи ҳосилни 72 минг тоннага етказиш сўйилгаҳ вазнда 1,600 тонна гўшт, 12,3 минг тонна сут, 1,6 миллион дона тухум, 205 тонна жун олиш учун қурашаётганликлари ҳақида тўхталиб бундай деди:

— Биз ҳам ана шу бошқармага қарашли бир коллективнинг коммунистларимиз Бу мажбуриятга бизлар ҳам қўл қўйганмиз. Қўйилган қўл универсал рулларини, зангори кемаларнинг штурвалларини маҳкам ушлаш керак. Колхозимиз бу йил 1271 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта ҳосили кўтаришга аҳд қилган. Юксак маррага етиб бориш учун белни маҳкам боғламоқ керак.

Йиғилиш тарқалганда ҳар дилда ана шу коллектив аҳди такрорланарди. Колхоз коммунистлари дала ишларининг зарбдор участкаларида ишлаб келадилар. Уларнинг иши кўпчиликка илҳомбахш машъалдай нур сочиб туради.

Эртаси куни далада ҳам устахонада ҳам ишнинг нафаси оловли бўлди. Бир неча кун ичида ремонт тугаб, машиналар овози далани тутиб кетди.

Мана бугун парторг Бўлисбоев яна ўша пастқам деворлар ёнидан тез юриб бормоқда. У, энди идорага эмас, далага колхозчилар ёнига, коммунистлар ёнига шошиларди.

Бригаданинг кафтдек текис ерлари қуёш нурида яркирайди. Далада универсал кўринади. Рулни Абдуҳамид Мўминов бошқариб бормоқда. Парторг бу механизаторни яхши танийди. У, ахир ўн йилдан буён руль бураб келмоқда. У, чигит экиб, ғўзани парвариш қилган жойда пахта мўл бўлмай қолмайди.

Бўлисбоев уватдан Мўминовга салом йўллаб, аҳвол сўраб, яна олдинга ўтиб кетди. У, дала шийпонига шошиларди.

Мўминов машинани бир текис юргизиб бормоқда, «оқ олтин» доналари донадор ерларга олтмишу қирқ бешу усулида квадрат ясаб, ерга тушмоқда. Бу усул ўтган йили ҳам қўлланиб, мўл ҳосилга имконият яратган эди. Механизатор, шуниндигдек сеялкани бошқариб бораётган йигит, агрегатларнинг бехато ишлашини, машинанинг тўғри йўл олишини синчиклаб кузатиб бормоқда. Қингир кетса, чигит қийшиқ чиқади. Ана унда парвариш қийинлашади, қўчатлар нобуд бўлади.

Парторг катта йўл четида қад кўтараётган янги типдаги намунали дала шийпони қурилишига етиб келди. Усталар, ремонтчилар қўлма-қўлига тегмай ишламоқдалар. Инсон ҳақида ғамхўрлик ҳамма ишларнинг, шу жумладан пахтачилик муваффақиятларининг асосидир.

Колхоз даласида меҳнат қилаётган, ерга чигит қадаётган пахтакорлар ўзларини худди катта синов олдида тургандай ҳис этмоқдалар. Ахир, уларнинг сўзини бутун мамлакат эшитди, аҳдини бутун мамлакат табриклади. Колхоз азаматлари ана шу улуғ аҳдни оқлаш учун белни маҳкам боғлаб, дала ишловини қўлга олмоқдалар.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

«Узбекистон ССР 30 йиллиги» колхози, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси.

«Узбекхиммаш» заводи механика-йиғув цехининг слесари Тинган Равшанов майолди социалистик мусобақасида насбдошларига ўрнак бўлмоқда. У кунлик топшириқни 120 процентдан бажаради. «Катта химия» заказлари — муранкаб машиналарни усталик билан йиғади. Суратда: Тинган Равшанов.

А. Абалян фотоси.

ЮКСАК НОМ УЧУН

Бу йил завод коллективи зиммасига катта вазифалар юклатилди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар областимизда саноат корхоналари, уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қураётган бинокорларга кўплаб материаллар етказиб беришлари лозим. Фақатгина ғиштнинг ўзидан 54 миллиондан зиёдроқ, 1 миллион 50 минг дона черепица ишлаб чиқаришлари зарур.

Ана шу топшириқнинг масъулиятли эканлигини чуқур ҳис қилган корхона коллективи иш суръатини тобора тезлаштирмоқда, мавжуд асбоб-ускуналар ва вақтдан унумли фойдаланишга астойдил интилаяпти. Шу туфайли ҳам биринчи квартал топшириғи анча ортиғи билан адо этилди. Қўшимча равишда ўнларча минг дона ғишт ва черепица тайёрланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун муваффақиятли курашаётган завод коллективининг ғайратини ошириб юборди. Улар улуғ айёмни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашни янада қизитмоқдалар.

Т. ЖУРАЕВ,

Келесдаги 7-ғишт заводи.



Олмалиқдаги В. И. Ленин номли Олтинтопган қўрғошин руҳ комбинатининг сульфат кислотаси цехини қуриш ишлари тугалланай деб қолди. Ҳозир механизмлар синаб кўрилмоқда. Суратда: янги цехнинг участкаларидан бири.

В. Кожевников ва В. Сваричевский фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Эфирда... қурувчилар позивнойи

Тошкент кўчаларида устига панеллар ортиб, қурилиш объектларига ошиқаётган қудратли «МАЗ» юк машиналарини кўргандирсиз. Объектга олиб борилган плиталар, уларга зарурат йўқ бўлса, машинадан тушириб олинмас, айни вақтда бошқа бирон қурилиш объектида плиталарни кутиб туришлари мумкин эди.

Бундай ҳоллар илгари тез-тез рўй бериб турарди. Қурувчилар ундан қутилиш йўлини топишди. Уйсозлик комбинатининг досаафчилари радиоаппаратуралар сотиб олиш ва уларни ўз кучлари билан панель ташийдиган автомашиналарга ўрнатишга қарор қилдилар. Корхона маъмурияти бу ташаббусни маъқуллади.

ДОСААФчилар ультрақисқа тўлқинли приёмник-передатчиклар сотиб олишди ҳамда уларни 15 та трайлерга ўрнатишди. Монтаж бошқармаси ва Тошкент ГРЭСи ҳам шундай станциялар билан таъминланди.

Комбинат радиоузелининг мудири ўртоқ А. Д. Петров радиоаппаратурани ўрнатишга бевосита бошчилик қилди. У радист Михаил Матвеев билан биргаликда „шоферларга передатчиклардан фойдаланиш қоидаларини ўргатди

Эндиликда панель ташувчи машиналарнинг шоферлари йўлда кетатуриб, исталган вақтда радио орқали уйсозлик комбинати диспетчери билан алоқа боғлаб, қайси қурилиш объектига панель зарурлигини билдирадилар.

Шуни айтиш керакки, ҳозирча приёмник-передатчиклар ишидан радиоҳаваскорларнинг кўнгли унчалик тўлмаяпти. Шунинг учун улар комбинат территориясида баландлиги 40 метрлик радио вишкаси қуришга киришдилар. Бу 1 Майгача ишга тушади. Йил охирига бориб яна 50 автомобилга приёмник-передатчик ўрнатиш мўлжалланмоқда.

А. САЗОНЕНКО.

ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН ЁЗИШМАЛАР

Калинин район 34-сон ўрта мактаб ўқитувчиси ўртоқ Р. ТЎЛАБОЕВГА

41-маршрутдаги машиналар кейинги пайтда йўловчиларга қонқарсиз хизмат қилмоқда, 4 автобус ўрнига 1 — 2 машина қатнаётир. Бунинг устига ҳайдовчилар графикка риоя қилишмайди, деб редакцияга ёзиб юборган хатингиз Тошкент шаҳар пассажирлар ташиш автомобиль трестига текшириш учун юборилган эди.

«Хатда кўрсатилган маршрутдаги камчиликлар текширишда тасдиқланди. Шоферларнинг графикка бўйсуниши устидан қаттиқ контроль ўрнатилди. Ҳозир шу маршрутда 3 автобус узлуксиз қатнаб турипти.

«Ертешган кўча», 30-уйда яшовчи ўртоқ Т. ИЎЛДОШЕВГА

«Киров районидаги Носиров кўчасининг энг серқатнов ерида ўрнатилган будка сув ўрнига пиво сотиб теварак-атрофни антисанитария ҳолатига тушириб қўйди» деган эдингиз, редакция номига ёзган хатингизда.

«Лимводторг» хатингиз юзасидан чора кўрган, сизнинг мулоҳазангизга қўшилиб, бу будкада пиво сотишни таъқиқлаган.

МЕҲНАТКАШЛАР МУҲОКАМАСИДА

ЭСКИЛИК ҚУРСИН

Ўтган ҳафта Янги шаҳар маҳалла активлари жамоатчилик асосида клуб қуриш масаласини муҳокама қилишди. Муҳокамада сўзга чиққан активлар Октябрь район Сочати ижроия комитетининг бу масалага катта эътибор бераётганлигини, объектни қурилиш материаллари билан таъминлаганлигини алоҳида қайд қилишди.

— Энди гап ишни бошлаб юборишда қолди, — деди маҳалла комитетининг раиси Х. Меликулов.

Хотин-қизлар советининг раиси З. Хабибуллаева яна бир муҳим масала бор дея «Тошкент ҳақиқати» газетасини варақлай бошлади.

— Бу ҳам бўлса тогора — эскилик ташвишидан қутилишдир, — деди у. — маҳаллада ана шу «ташвишга» қарши курашни авж олдириш керак.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Мақола ўқилди. Суҳбат алла маҳалгача давом этди.

— Бу масалани матбуот жамоатчиликнинг эътиборига ҳавола қилиб жуда тўғри иш қилди, — деди врач Т. Нуриев, — эскиликнинг ана шу расм-русмлари инсон саломатлигига, ҳатто онланинг тинчлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиб келди...

— Мен, — деди Абдималик ака,— биринчи фарзанд кўрганимда иккинчи таванда бошим чиқмади. Қизиғи шуки, баъзи тўй эгалари кимга нима қилганлигини ҳам дафтарга ёзиб қўйишар ва тўйга келганларнинг «таван» ини текшириб боришар экан. Бир йигитнинг хотинининг тугуни тўй эгасига манзур бўлмаганлиги учун уни яхши қабул қилишмабди. Бу жуда ачинарли ҳол. Иккинчи фарзанд кўрганимда қариндош-уруғларимни тугунсиз келишларини огоҳлантирдим. Буни менсимаган хотинларнинг тугунини ечмай ўзларига қайтариб юбортирдим. Шундай қилиб, мен тогора ташвишидан қутилиб олганман. Демоқчиманки, бу соҳада онладаги эркаклар роли катта.

Шундан кейин маҳалла активлари «тогора ташвиши»ни йўқотишга қаратилган қатор тадбирларни бажарадилар. Жумладан, тўй-хашамлар ва бошқа мовлиятларга бошчилик қилиш, тогора, тугунсиз намунали тўйлар ўтказиб эскилик сарқитларига қарши курашни кучайтириш ишига маҳалла комитети бошчилик қиладиган бўлди.

И. МАЛИКОВ.

ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ АМАЛДА

КОНТРОЛСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Тошкент макарон фабрикасида 1960 йилдан бери тартиб йўқ. Маҳсулот сифати ниҳоятда паст. Яқин вақтларгача фабрика давлатга фақат зарар келтирди. Иш ҳақи фонди ортиқча сарфланди. Маҳсулот таннархи ошиқ бўлди.

Фабриканинг собиқ директори ўртоқ Акрамов цех бошлиғи бўлиб ишлаган Муллақандов каби қўли эгри кишиларнинг танобини тортиш ўрнига уларга кенг йўл очиб берди.

Кўп йиллардан бери фабрикада склад мудирлиги вазифасида ишлаб келаётган Мажидовнинг асли касби тиш доктори, 2-цех бошлиғи ўринбосари Маругина тикувчилик бўйича техник.

Ниҳоят 1960 йилнинг биринчи ярмида фабрикани изга солиш учун Ўзбекистон Халқ хўжалик кенгаши озиқ-овқат бошқармаси ўз ходими С. Тиллахўжаевни юборди. Ўртоқ Тиллахўжаев фабриканинг янги бош инженери Н. Муротов билан ишни бир томонлама олиб бордилар. Фабрика техника-иқтисодий кўрсаткичлари бироз дурустлашди-ю, бироқ юлғучлар ўз «фаолиятларини» давом эттиравердилар. Фабриканинг янги раҳбарлари кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш ишлари билан етарли шуғулланмадилар. Фабрика партия ташкилоти (раиси Г. Ройберман) ўртоқлар одамлар билан ишлаш, ножўя хатти-ҳаракатдаги кишиларнинг тароғини тортиш, уларни жой-жойига қўйиш ишларини унутиб қўйдилар. Бунинг оқибатида фабрикада меҳнат интизоми бўшашиб кетди.

Область партия-давлат контроли комитети кадрлар билан ишлашда жиддий хатога йўл қўйгани, контролликни бўшаштириб юборгани учун фабрика директори С. Тиллахўжаев ва бош инженер Н. Муротов ўртоқларга қаттиқ виговор эълон қилди ва фабрикадаги нопок шахслар ишини текширишни тегишли органларга ҳавола қилди.

Архивчилар юбилейи

Яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Архив бошқармаси мамлакатда архив ишининг 250 йиллигига бағишланган юбилей йиғилиши ўтказди. Йиғилишни академик Қори Ниёзий очди У архивнинг вужудга келиши ва унинг аҳамияти ҳақида гапирди. Биринчи архив Петр I томонидан 1712 йилда ташкил топган эди.

Республика архив бошқармасининг бошлиғи А. Мирзабоев мамлакатда архив ишларининг 250 йиллиги ҳақида доклад қилди. Сўнгра республика архив муассасаларидаги энг яхши ходимларга Фахрий ёрлиқлар қимматбаҳо буюмлар топширилди.

Г. СОЛИҲОВА,

С. БЕКТИМИРОВА.

Қўмаклашиш группаси ҳаракатда

Завод ҳовлиси. Ҳовлида партия-давлат контроль комитетига кўмаклашиш группаси аъзолари иш олиб бормоқда.

— Ана, кўрдингизми, — деди группа аъзоси Мансуров эски омборни комиссия раисига кўрсатар экан. — Бу биноним томидан ҳар йили чакка ўтади. Натижада омбордаги сульфат аммоний, экстрат каби кўплаб қимматли химикатлар бузилмоқда.

— Сульфанол сақланадиган бостирмани айтмайсизми, — деди ачиниб группанинг иккинчи аъзоси Ўртоқ Исоқов химикатларни кўздан кечираркан. — Бу химикатлар бизга жуда қимматга тушмоқда.

Комиссия аъзолари завод ҳовлисида уюлиб ётган металларни ҳам текширдилар. Керак бўлмаганини «Главчермет» ташкилотига топшириш керак, деган фикрга келдилар.

Хулласи, шу куниёқ группа аъзолари аниқлаган камчиликларни муҳокама қилиш учун завод партия ташкилотининг кабинетига тўпландилар.

Кабинетда партия-давлат контроль комитетига кўмаклашувчи группа аъзоларидан 25 киши тўпланди. Улар орасида заводнинг илғор ва обрўли ишчиларидан Н. Мансуров, В. Степанова, Е. Лаштанкина каби 7 кишидан иборат бюро аъзолари ҳам бор. Йиғилишда завод директори П. А. Кучин, партия ташкилотининг секретари А. Лазарев, маҳаллий комитет раиси И. Дебердиев ўртоқлар қатнашди.

Мажлисда материал сақланадиган биноларни қуриш, уларни ремонт қилиш, цехларга керакли химикатларни ҳужжат билан норма асосида бериш каби конкрет қарорлар қабул қилинди.

Тошкентдаги кўн заводидаги кўмаклашиш группаси шу кунларда самарали иш олиб бормоқда. Группа аъзолари кўн саноати бўйича складларни, сунъий тери ишлаб чиқариш, химикат ва доиларни вақт-вақти билан текшириб, камчиликларни ўз пайтида тузатмоқдалар.

Кўмаклашиш группаси Собир Раҳимов номли станцияда 200 тоннадан ортиқ оҳакнинг чочилиб ётганини аниқладилар. Бундан ташқари, завод складида ишлатилмай ётган 17 бочка балиқ ёғини ҳам топдилар.

Эрта-индин группа аъзолари заводнинг териларга ва резина маҳсулотларига кетадиган материалларини нормалаштириш ишини текшириб чиқадилар.

А. РАҲИМОВ.

ҚИР АДРДА ҚЎЙ-ҚЎЗИ

Дўнгалак булоқ деб номланган бу тепаликдан туриб атрофга назар ташласангиз баҳорнинг жилваси кўзга яққол ташланади. Кўмкўк майсалар, лолалар билан безанган қир ва адрларда қўй-қўзилар ўтлаб юрибди. Узоқдан қараганда қўйлар тўдаси чойшаб ёйиб қўйилгандек оқариб кўринади. Бу яйловларда боқилаётган қўйлар мериносс зотли, оқ қўйлар эканлигини кўрсатади.

Рўпарадаги сойлиққа кўз югуртирамиз. Гир айланган тепалик қаватқават илон изи йўллардан иборат. Бу йўллардан ким юрган?

— Яйлов — бу бебаҳо хазина, — деб жавоб беради бизнинг бу саволимизга колхоз раиси Олтмиш Қулдибоев, — диққат қилинг-а, биз турган томон қуёшга чап, шунинг учун ҳа деганда бу ерлардан қор аримайди. Демак, ўт кеч униб чиқади, у томонларга бўлса қуёш ялт этиб тушади, қор-ёмғир жуда тез эриб кетади. Январь, февраль ойларида қордан асар ҳам қолмайди. Ана шундай кезларда қўйларга кечаси ем-хашак берсак кундуз кунлари уч-тўрт соат шу сойликларга ҳайдаб қўямиз. Қўй жонивор ўтни танлаб ейди, бир юрган йўлидан қайта юрганида босилган ўтларни эмайди. Шунинг учун уёқдан-буёққа ҳайдалганида бир йўлдан ураверади, натижада ўша жойларда илон изи сингари сўқмоқлар пайдо бўлиб қолади.

Раис бу йил баҳор жуда эрта қадам ранжида қилганлиги, шу туфайли қўйларнинг оғзи эрта кўкка тегиб, уларнинг ёғини олиб қўйганлигидан шикоят қилди. Ҳар нарсанинг ҳам вақти бор, деди у. Эрта майсалар кўрингани билан қўйлар учун хосилли кам. Ана шу камчиликни тугатиш, қўйларни ҳар йилгидек бир меёрда семиртириб олиш учун чўпонлар ғайрат қилишяпти.

— Ҳозир кўрганимиз — деди раис Аширмат Эштоевнинг отарига тегишли қўйлар.

— Нариги томондагисичи?

Улар Аширматнинг шогирдларидан Ирисбой Мусировнинг қўйлари.

Донгдор чўпон, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, совлиқлардан бир йилда 2 марта қўзи олишнинг ташаббускори Аширмат ака тўғрисида кўп эшитилган, матбуотда, радиоларда кўп ёзилган. Шунинг учун бу гал бунинг шогирди иши билан танишишга қарор қилдик.

Йўлда кетаётиб бир сойликдан иккинчи сойликка бирнеча ўн бош қўй-қўзиларни ҳайдаб олиб ўтаётган кекса чўпонларга дуч келдик.

— Булар чўпонларимизнинг ёрдамчилари, сақмончилар, — деди раис.

— Сақмончи деганингиз нимаси?

— Ҳозир чўпонлар ҳаётида энг масъулиятли дамлар ҳисобланади, — деди раис,— қўзилатишни муваффақиятли ўтказиш учун ана шундай даврда биз чўпонларга қўшимча кишиларни ажратиб берамиз: сақмончилар совлиқлардан қўйларни ажратиб олиб 20 кунгача алоҳида боқилиши устидан назорат қиладилар. 20 кундан кейин бу қўзилар катта қўйларга қўшиб юборилади. Сақмончи шу бир ой ичида тинним билмайди, ҳар бир қўйдан, ҳар бир қўзидан кўз қулоқ бўлиб туради. Қўй-қўзиларнинг бир жойда узоқ ётиб қолишиға йўл қўймайди. Агар қўйлар бир жойда узоқ ётиб қолса, ҳозир эҳ эмасми, ўпкаси касалланиб қолиши мумкин.

Мана, Ирисбой Мусировнинг отарига ҳам етиб келдик. Атрофга боқиб ҳавасинг келса, чўпонларнинг фидокорлигига қойил қоласан киши. Совлиқлардан кўзиси кўп. Шуларни чамалаб подаларга назар ташлаб қўярдик. Раис Ирисбойга мурожаат қилди.

— Қалай, анови совлиқнинг кўзилари соғлом юриптими?

— Ҳаммаси дуркун, — жавоб берди Ирисбой.

Сўнг раис бизга тушунтирди.

— Биз 5 та туққан совлиқ ҳақида гапиряпмиз.— деди у.— отарда бундай эгизак туққан совлиқлар кўп. Бу ҳам бўлса сунъий қочиришнинг ҳосияти деб биламиз. Ундан кейин қўйлар семиз бўлганлигининг шарофати, Раис гапини тугатмаган эди ҳамки, сойликнинг этак томонидан ҳалиги совлиқни қўзилари билан эргаштириб Ирисбой келди. Биз билан бирга яйлов манзараси ва қўй-қўзиларни суратга олиш учун чиққан ёш оператор Саттор Далабоев дарҳол бу манзарани пленкага туширди. (Пастдаги суратга қаранг).

— Қаловини топсанг қор ёнади деганларидек, — деб тушунтирди раис.— совлиқларни яхшилаб парвариш қилиб боққан чўпоннинг ҳаммавақт пичоғи мой устида бўлади. Биз ҳисоблаб чиқдик. Мана шу 5 та туққан совлиқ беш йилда 100 бош қўйга айланар экан. Ҳар бири 50 килограммдан ҳисобланганда бу 5 тонна гўшт демакдир. Жунини айтмайсизми. Жунининг давлатга сотилган пули ҳисобигагина битта енгил машина сотиб олса бўлади.

Ҳақиқатан ҳам яйлов баҳодирларининг ишига қойил қолса бўлади. Ирисбой Мусиров отарида ҳаммаси бўлиб 400 бош совлиқ бор экан. Ҳозиргача уларнинг 200 дан ортиғи қўзилади. Ҳар юз бош совлиқдан олинган қўзи 130 данга тўғри келади. 60 қўй эгизак туғибди. Бундай натижага эришиш учун озмунча меҳнат қилишган эмас. Яна шунисиз муҳимки, Ирисбой бу йил ўз устозининг усулини қўлланиб қўйлардан икки марта қўзи олишга бел боғлаган. Ҳозир биз йайловларда кўрган қўзилар Октябрь ойида қочирилган эди. Яна 5-10 кундан кейин қўзилатиш муваффақиятли тугатилади. Шундан кейин май ойига бориб бу совлиқлар яна қочирилади.

Колхознинг қайси бир отарида бўлмайлик чўпонларнинг бу йил мамлакатга ҳар қачонгидан кўра мўл-кўл гўшт ва сифатли жун етказиб беришга аҳд қилганликларини сезиб олдик.

— Туғилган совлиқларнинг бироитасини ҳам нобуд қилмай сақлаб қоламиз. Давлатга топшириладиган бир қўйнинг оғирлиги ўртача 50 килограммдан бўлишини таъминлаймиз. Ҳар бир қўйдан кам деганда 3.5 килограммдан майин жун қирқиб оламиз

Ана шу олижаноб мақсад уларни битмас-туганмас бойлик яратишга ундамоқда.

Кечга томон қишлоққа қайтдик. Тепаликдан тушиб келар экан, колхоз кўчасини чангитиб ўтиб кетаётган енгил «Волга» машинасини кўриб қолдик. Райондан раҳбарлар келишаётган бўлса керак деб раисга қарадик.

— Йўқ, ундай деб ўйламанг, — деди раис. — бу машинани ҳар куни ҳам шу ерда кўришингиз мумкин. У колхозимизнинг донгдор чўпонларидан бири, Аширмат Эштоевнинг усулини биринчи бўлиб қўллаган Ўрозимбет Шертоевнинг машинаси. Ҳа, чўпонларимиз ҳар қачонгидан ҳам бадавлат яшамоқдалар. Уларнинг ҳар бири олаётган йиллик даромад 2.5-3 мингдан ошиб кетади. Ўтган йили ҳар бир меҳнат кунига 2 сўм 80 тийиндан тақсимлаган эдик. Бу йил шу рақамни 5 га етказмоқчимиз.

Колхоздан узоқлашдик. Тоғ этагидаги яйловлар анча ортда қолди. Лекин фидонор чўпонларнинг қаҳрамонлик ишлари эса ҳамон кўз ўнгимиздан нари кетмасди.

М. АФЗАЛОВ,

Н. РИХСИЕВ.

Юқоричирчиқ бошқармасидаги «Қизил ту» колхози.

БУГУН — АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИ

АФРИКАДА ҚУЁШ БАЛҚИМОҚДА

ЮРАКСИМОН ҚИТЪА ҚЎШИҒИ

Эндиликда бутун дунёнинг назари Африкада, негаки, бу ерда оламшумул аҳамиятга молик воқеалар ва силжишлар юз беряпти: кечагина асрлар уйқусига чўмган халқлар бугун мустамлакачилик кишанларини чил-парчин қилиб ташламоқдалар ва чет эл ҳукмронлигининг томирларини қирқишга азми-жазм қилганликларини баралла айтмоқдалар.

Кўп азиятлар чекиб, бугун бахт сари талпинаётган мушфиқ Африканинг тақдири тўғрисида гап кетганда, Африка дўстларининг унга бўлган бутун муҳаббатини қуруқ наср тили билан ифодалаб бериш амри-маҳол. Буни яхшиси ёш Африка шеърияти билан ифодалаган дуруст. Унда куйланганидек:

Сукут қилган Африка,
Бегона худоларга қурбон
қилинган ҳаёт,
Қону-тер билан тинмай
суғорилган тупроқ,
Қалбини тилган Африка,
Асоратдан қутилиб,
топмоқдасан эрк, нажот.
Янги асринг бошландики, бу —
Қуллик ларнинг бузилиш асри,
Кишанларнинг узилиш асри,
Янги ҳаёт тузилиш асри...

Африка мақолларидан бирида айтилганидек, дунёни учта устун кўтариб турармиш: бу — Кеча, Бугун ва Эрта.

Африканинг кечаги куни зулматдан иборат эди. Бугунги Африка эса — озодлик учун қаҳрамонона курашаётганлар қитъаси, Африканинг эртаси эса ёруғ, мустақил, бахтиёр кун.

Африка халқларининг тарихий тақдирлари жуда фожиали бўлди. Бизнинг эрадан олдиноқ улуғвор маданият дарахтлари гуллаган ана шу қитъа бугун иқтисодий ва маданий жиҳатдан дунёнинг энг ғариб бурчагидир. Бундай қолоқликнинг бош сабаби — Европа мустамлакачиларининг талончилик сиёсати. Улар Африка мамлакатларининг бор-йўғини шилиб келдилар, уларни қоқ-қурум қилиб қўйдилар.

Дунёдаги бирон бир қитъа ҳам мустамлакачилик зулмидан Африкачалик қаттиқ қийналмаган. Мустамлаканачилик бу ерда ўзининг бутун турқини кўрсатди. Африка халқларига кўз ёши ва алам келтирди.

Африка халқлари ҳисобдан адашмайдилар. Улар бугун ўз ерларида нелажанда битадиган ҳосилдан хирмон кўтаришларини ёки ўз фабрикалари маҳсулотларини ўз эҳтиёжларига ишлатишларини чамалаб кўрар эканлар, беҳад қувонадилар. Аксинча, европа «маданийпарварлари»нинг ўз бошларига битган бало бўлганлигини эслар эканлар, қаттиқ ғайғирадилар. Ҳисоблаб кўрилгунча, Африка қитъаси бир асрлик мустамлака қуллиги даврида жуда миллиондан ортиқ кишисидан ҳудо бўлибди. Уларни европалик мустамлакачилар қириб юборишган. Бугунги ҳисоб-китобларга қарагандa, Бельгиянинг 70 йиллик ҳукмронлиги даврида Конго аҳолиси икки баравардан зиёд камайиб кетибди. Яна бир қизиқ мисол: Гвинеядаги темир йўлнинг ҳар километри юз одам ҳаёти бадалига пайдо бўлган эмиш.

Йўлларда кишанларнинг
жаранг-журунги,
Салқин ўрмонларда қўшлар
гурунгги,
Хурмо оғочларининг тагида
майин товуш...
Йўл босганда одамнинг
нўқрагидан чиққан сас,
Қонга беланган оёқ тагидан
чиққан сас,
Тирноқлари остидан оққан
қондан чиққан сас,
Саслар, саслар ва саслар,
Наҳ шодлик, на ҳаваслар...
Тилка-пора қилинган Африка
товушлари!

Мустамлакачиликнинг Африкага етказган путурини, зиёнини рақамга айлантириб айтишнинг иложи йўқ. Пулдорларнинг унга қилган бутун ёвузликларини, Африкани олов ва найза билан асоратда сақлаб келганликларини пулга чақиб бўлармиди, ахир! Лекин тарих бунинг йўлини топди: мустамлакачилик системасини ўлимга ҳукм этди!

Оламшумул тарихий Улуғ Октябрь воқеалари ва иккинчи жаҳон урушидан сўнг қудратли социализм лагерининг қарор топиши мустамлакачиликнинг емирилишида жуда муҳим роль ўйнади. Миллий озодлик ҳаракатининг қуюнлари Африканинг сиёсий картасидаги кўпгина ерлардан мустамлакачилик дудларини пуфлаб юборди. Агар 1955 йилда бу қитъада 5 мустақил давлат бўлган бўлса, эндилиқда уларнинг сони ўттиз учта. Африка қитъасида истиқомат қилувчи 240 миллион кишидан 200 миллиондан зиёдроғи гардонидан қуллик бўйинтуруғини ирғитиб ташлади.

Бироқ, мустамлакачилар анойи эмаслар, улар осонликча жон бермайдилар. Шунинг учун ҳам пулдорлар Африка жиловини ўз қўлларида тутишга жон-жаҳдлари билан ёпишмоқдалар. Чунки Африка улар учун ҳали бўшатилмаган олтин сандиқ. Унинг турганбитгани хазина. Африка капиталистик оламда ишлаб чиқарилиган олмоснинг 96 процентини беради. Атом хомашёси — уранинг талай қисми ана шу қитъада. Шу сабабдан ҳам мустамлачачилик Африка тупроғининг ҳар қаричи учун олишмоқда, қон тўкмоқда.

Африка халқлари ўзларининг ҳур ва мустақил бўлишлари учун жуда катта «бож тўламоқдалар», яъни озодликка қонлари ва жонлари бадалига эришмоқдалар. Бунга кўп мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, Африка қаҳрамони Патрис Лумумбани эрк жаллодлари қийнаб ўлдирдилар. Эндиликда унинг издоши Антуан Гизенгани ҳам шундай қисмат кутяпти Камерун озодлиги жангчиси Феликс Мумиени қулдорлар заҳарлашди. Концлагерлар ва қамоқхоналарда занжирбанд қилинган минглаб ватанпарварларни айтмайсизми, тағин!

Африканч мустамлакачилик асоратидан қутқазиш ва унга эрк бериш каби муқаддас иш ҳали тугалланганч йўқ. Африка ҳамон бутун кўкраги билан тўйиб нафас олмаяпти. Империалист йиртқичлар унинг бўғзига қаттиқ ёпишиб олганлар. Ангола ғазаб билан туғён қилмоқда, нурашчан Кениянинг қалби босқинчиларга қарши интиқом билан тўла. Қаҳрамон Жазоир ўзининг дастлабки муваффақиятларини кўп қийинчиликлар билан мустаҳкамламоқда. Баҳодир конголез халқи ўз ватанининг озодлиги учун ҳамон оловлар ичига кирмоқда. Мустамлакачилик қаттиқ ғаз едию, лекин ҳали гўрга киргани йўқ. У ўлим талвасасига тушиб, Африка халқларини уруғ-аймоқлари билан қириб юбормоқчи. Қора қитъанинг халқлари эса ўз тупроқларидан мустамлакачиликнинг сасиётган жасадини узоқларга улоқтириб ташлаш ҳаракатидалар.

Олмосдаги ёлқинлар юрти,
Хурмолар ва олтинлар юрти,
Дарёлар ва қирғоқлар юрти,
Қўллар юрти, тик тоғлар
юрти,
Илгари «қора» қитъа деғилар
эдинг,
Очлик ва йўқчиликда ейилар
эдинг.
Тупроғингни мозор қилмоқ
ўйлдилар,
Лекин сен чаман бўласан ахир,
Бахту-эркка маскан бўласан
ахир.

Африканинг эрксевар халқлари яхши биладиларки, сиёсий мустақилликни қурашиб қўлга киритиш — бу халқларнинг бахт ва тараққиёт сари бориш йўлларидаги биринчи қадамларидир. Империализм ёш Африка давлатларига ниҳоятда оғир мерос қолдирди. Қишлоқ хўжалигининг ниҳоятда қашшоқлиги, ҳозирги замон саноатининг деярлик йўқлиги — мустамлакачилик ҳукмронлигининг оқибати.

Африка ўз қаддини минг жафолар билан тиклямоқда. Унинг кўп мамлакатларида — Ганада ва Малида, Гвинея ва Жазоирда халқлар кўп тармоқли миллий экономика, соғлом экономиканч яратишга ғайрат ва шижоат билан киришдилар. Индустриалаштириш Африканинг энг йирик шиорларидан бири бўлиб қолди. Эрк уруғлари тушган янги ерларда улкан қурилиш иншоотларини кўрасиз. Биргина Гананинг ўзида иккинчи беш йиллик планга мувофиқ, 1964 йилгача 600 та янги саноат корхонаси бунёдга келиши лозим.

Африка халқлари Совет Иттифоқи ва бутун социализм олами қиёфасида ўзларининг энг яқин дўстларини кўрмоқдалар. СССРнинг ёрдами билан мустақил Африкада янги саноат тармоқлари барпо қилиняпти. Қишлоқ хўжалигини мислсиз юксалтириш учун мустаҳкам замин ҳозирланмоқда. Африка мамлакатларида Совет Иттифоқи ёрдами ва иштироки билан 200 дан ортиқ объект қурилаётир. Шундан 50 дан ортиғи ишлаб чиқарадиган саноат корхоналаридир. 22 таси гидро ва тепло электростанциялар, 34 таси енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридир.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг бегараз ёрдами, дўстона кўмаги Африка халқларини кўп нозиқ-неъматлардан баҳраманд қилиши шак-шубҳасиз. Улар бу мадад туфайли иқтисодий ожизликдан қутиладилар, ижтимоий мустақил тараққиётга эришаборадилар.

Озод Африка туш эмас энди,
Тузоққа тушган қуш эмас энди!
Ҳаммаёғи нурга бўлган ғарқ,
Кенг йўллари қилади ярқ-ярқ.
Яхши билар Африка халқи:
Озодлиги қўёшдай балқир.

В. ТРУБНИКОВ.



АФРИКА. А. Ҳолиқов чизган расм.

Ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидокорона курашаётган озод Африка давлатларининг халқларига қизғин салом!

(КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил 1 Май Чақириқларидан).

Яқинда Леопольдвилда анголаликларнинг оммавий митинги бўлиб ўтди. Улар мустамлакачиликка ва салазар жаллодларига қарши курашишга қатъий аҳд қилганликларини билдирдилар. Бу суратда митингда иштирок этган анголалик қочоқлардан бир группасини кўриб турибсиз. Аёлларда бири «Ангола хотин-қизлари курашни давом эттирадилар» деб ёзилган шиорни ушлаб турибди.

ЮПИ-ТАСС фотоси.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон билан Африка бир-биридан жуда узоқ жойлашган. Шунга қарамай, озод Африка кишилари бизнинг республикамизга ғоят катта қизиқиш билан боқмоқдалар.

Совет Ўзбекистони Африка қитъасидаги жуда кўп мамлакатларнинг вакиллари келиб турадиган жойга айланиб қолди. **Фақат кейинги уч йил ичида янги турмуш қуриш тажрибаси билан таниниш мақсадида республикамизга Африкадаги 22 мамлакатдан вакиллар келиб-кетишди.** Гана, Мали, Судан, Сомали, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа Африка мамлакатларининг ҳукумат бошлиқлари ўзбек халқининг азиз меҳмонлари бўлишди. Республикамиз вакиллари ҳам ўз навбатида дўстлик визити билан шу қитъанинг 16 мамлакатига бориб келдилар.

Африканинг прогрессив жамоатчилиги Ўзбекистон тимсолида ўз истиқбол йўлларини кўриб турибдилар. Шу сабабдан ҳам курашаётган қитъа вакиллари Тошкентда бўлиб ўтган йирик халқаро йиғинларда — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси, ҳар икки қитъа касаба союз, кооперация ҳамда медицина ходимларининг семинарлари, Африка мамлакатлари хотин-қизларининг маориф масалаларига бағишланган семинари ва бошқа шу хилдаги катта форумларда актив иштирок этдилар.

«Гана ва бутун Африка халқлари сизларнинг республикангиздан ва бутун Совет Иттифоқидан яқин келажакда империализм ва мустамлакачиликка абадий ҳотима бериш учун намуна оладилар». Гананинг машҳур жамоат арбоби Кваме Аду ўзининг Ўзбекистон бўйлаб қилган сафаридан олган таассуротларини шундай деб баён қилди.

«Нигерия — СССР» жамиятининг президенти Эммеме Огбуфор Чигбу республикамиз ҳақида ўз таассуротларини қуйидагича баён қилади: «Биз ўзбек халқи Совет ҳокимияти йилларида эришган муваффақиятларни ўз кўзимиз билан кўриш ва бу тўғрида халқимизга ҳикоя қилиб бериш мақсадида Ўзбекистонга келишга қарор қилдик. Инглиз-америка мустамлакачилари ҳозирга қадар Совет Иттифоқига қарши бўҳтонлар қилиб, Ўрта Осиё республикалари Россиянинг ҳозирги даврдаги мустамлакаларидир, у ерларда маҳаллий саноат ва маданият мутлақо йўқ, деб Африка халқларининг миясини заҳарлашга уринмоқдалар. Лекин биз ҳозир шуни яхши биламизки, сизлар жуда катта муваффақиятларни қўлга киритгансизлар. Нигерия халқи ҳам совет кишилари каби ҳаёт кечиришни жуда-жуда истайди».

Совет Иттифоқи, шу жумладан Ўзбекистон билан Африкадаги мустақил давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик кун сайин ривожланиб бормоқда. Республикамиз меҳнаткашлари СССРнинг Африка мамлакатларига кўрсатаётган катта иқтисодий ёрдамига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Мамлакатимиз корхоналарида тайёрланган турли машина ва асбоб-ускуналар, станоклар ва запас қисмлар, шунингдек бошқа зарур товарлар Африка мамлакатларига юборилмоқда.

Ўзбекистоннинг 15 корхонасида тайёрланаётган маҳсулотларни Гана, Гвинея, Мали, Бирлашган Араб Республикаси, Марокаш, Судан, Эфиопия ва шу қитъадаги бошқа мамлакатлар олиб турибди. Бу мамлакатларда янгидан қурилаётган завод ва фабрикаларда Андижондан келтирилган дизелларни, Тошкентда тайёрланган тўқимачилик машиналарини, Чирчиқ корхоналари ишлаб чиқарган химия қозонларини, Самарқандан олинган киноаппаратларни учратиш мумкин. Тошкентдаги «Подъёмник» заводининг коллективи Африка мамлакатларига бир неча йиллардан бери маҳсулот етказиб беряпти. Бугун завод Африка озодлиги куни шарафига Гана давлатидан олган муҳим заказни муддатидан илгари адо этди. Яқин орада ана шу ҳисоб мамлакатга Тошкент маркази билан балкали кранлар юборилади.

Республикамиз геологлари, врачлари ва инженерлари Гана, Бирлашган Араб Республикаси ва Малида ҳам катта ишларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистоннинг африкаликлардан малакали миллий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовордир. **Ҳозирги вақтда республикамиздаги олий ўқув юртларида Гана, Гвинея, Кения, Нигерия, Конго ва бошқа Африка мамлакатларининг вакиллари таълим олишяпти.**

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Африка озодлиги кунини кенг нишонламоқдалар. Бу соҳада Африка халқлари билан дўстлик совет ассоциацияси-нинг Ўзбекистон бўлими катта ҳисса қўшаётир. Мазкур бўлим номига **Африка қитъасидаги 16 мамлакатдан хатлар келиб турибди.** Бу хатларда африкаликлар социалистик Ўзбекистон ҳақида ўзларини қизиқтирган жуда кўп масалаларни баён қилганлар. Бўлим ходимлари ана шу ғоят хилма-хил ва қизиқ хатларга ўз вақтида тегишли жавоб қайтариб, социализм қурилишида орттирган тажрибаларимизни сўзлаб бермоқдалар.

Фақат ўтган йил ичида мазкур бўлим ташаббуси билан **Африкадаги турли халқларга бағишлаб 30 га яқин дўстлик кечаси ўтказилди.** 10 минглаб тошкентликлар ана шу улкан қитъа мамлакатларининг ҳаётини акс эттирувчи фотовиставкаларни зўр қизиқиш билан тамоша қилдилар.

Кейинги икки йил ичида жамоатчилик вакилларидан иборат группалар бўлим томонидан берилган путёвкалар билан Африкадаги 11 мамлакатга саёҳат қилишди.

Мустақил Африка давлатларига янги ҳаёт қуришда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Д. ИКРОМОВА

Африка халқлари билан дўстлик совет ассоциацияси Ўзбекистон бўлимининг масъул секретари.

УЙҒОҚ КЎЗЛАР ЮРТИДА

Ўзбек шоири Ғафур Ғулом бундан расо 33 йил илгари ёзган бир шеърида кўҳна дунё — Осиё ва Африканинг қора танли халқлари, Дамашқнинг, Басранинг, Марокаш ва Сиёмнинг етим тўллари ва эрларига хитоб қилиб, энди наъралар тортмоқлиқ ғали келди, жаҳон уфқида ҳилпираб қизил ялов, ер юзра йўқсиллар бирлашсин, деб ёзган эди.

Бир шоир учун бу қадар зўр мағрур билан минбардан туриб дадил сўз айтишга ишонч берган куч нимада?

Бу куч — дунёда биринчи марта пролетар инқилобини амалга оширган, ер юзининг олтидан бир қисмида мазлум халқларни — йўқсилларни ялов байроқ остига бирлаштириб, тенг ҳуқуқ ва озодлик бахш этган Улуғ Социалистик Революциянинг буюк қучидир, Социалистик Революциянинг голвий қуроли — марксча-ленинча таълимотнинг башоратли далдасидир.

Энг ишончли таълимот — марксизм-ленинизм жаҳон тарихи ривожланишининг, инсоният тараққиётининг йўналиш истиқболларини катта қаромат билан белгилаб берди, нур сочувчи озодлик байроқларини ўша кезлардаёқ тайёрлаб қўйди. Ана шу олдиндан тайёрланган озодлик ва миллий мустақиллик байроқлари ўз эрки ва ҳуқуқини ўз қўлига олган қадимий Африка халқлари ва мамлакатлари осмонида турли ранг ва ҳошияларда ҳилпираб турибди. Катта Африканинг бадбўй осмонида эндиликда озодлик ва ҳурликнинг хушбўй шамоли кезиб юрибди...

Зулмат ичра нур ахтариб неча асрлар толиқмай, ҳормай мардона кураш олиб борган ва бу узоқ курашда мадорсизланган халқ оқибат мақсад-муродига етди, қон билан беланган қуйлакларидан озодлик байроқлари тикиб, уларни ҳароба ва қўҳна биноларнинг пештоқларига илиб, эркин нафас ола бошлади. Зах ичра қолган кўксига қуёш теккан ва ёқимли шабада урилган халқ қаддини тикламоқда.

Улкан Африка уйғоқ! Африкани абадий ғафлат уйқусига маҳкум этмоқчи ва унинг бутун бойликлари ва мол-мулкларини отанинг меросхўрларидек таловчи ёвузлар энди бетоқат ва бесаранжом. Энди ўша ёвузларнинг ўзи абадий уйқу — ўлим кутаётганидан жон талвасасида. Африка қароқчиси — олиқоқар софдил одамлардан иборат катта ҳакамнинг адолатли ҳукмидан қутила олмайдилар, уларнинг ҳимоячи-адвокатлари ҳам бу шармандали ишга аралашишдан ҳатто номус қила бошладилар.

Етар, бас! — демоқда Африка. Энди менга ғал келди, демоқда Африка. Ҳа, энди Африкага навбат келди. Мустақил ва озод Африка эндиликда раҳмсиз ва йиртқич империализмнинг таловчан ва қонхўр панжаларини қасос ўти билан ёнган ҳолда дуч келган жойидан шартта кесиб ташламоқда. Энди, империализмнинг қўли қисқа, унинг томир отувчи қони зарарланган ва у илдиз отишдан маҳрум. Мард африкаликлар олдида номард империалистларнинг тарих тақозо этувчи маглубияти ўнгалмасдир. Империализм ўз қилмишига яраша жазо олди, танаси майиб бўлган, зарарли илон бошиси мажақланган, тулки кўзлари хиралашган.

Африка озодлиги кунида нурли кўзлар, соф қалблар каттакон қитъанинг жасур халқларига қувонч билан боқаётган бир пайтда қалби нияти ғараз билан тўлган иложсиз ғаламуслар бузқунинг югурғачи сомонхонагача деганларидек, бехуда чиранмоқдалар.

Африка қитъасида ўз мавқеъни сақлаб қолиш учун уринаётган империалистларнинг ҳатти ҳаракатлари бехуда, ўйлари хом-хаёл, мақсадлари пуч.

Африка халқлари адолат ким томонида эканини яхши тушуниб олмоқдалар. Совет Иттифоқи, социалистик давлатлар қолоқ ва кам тараққий этган мамлакатларга ўз миллий экономикаси ва маданиятини ривожлантириш учун саҳоват билан катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Совет халқи миллий мустақиллиқни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш йўлидан бораётган халқларга, мустамлака системасини батамом йўқ қилиш учун курашаётган барча кишиларга ёрдам беришни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди. Африка халқлари Совет Иттифоқини ўзларининг самимий ва бегараз дўсти деб билмоқдалар.

Совет Иттифоқи Улуғ Ленин тутқазган интернационализм байроғини ҳамон баланд кўтариб боряпти. Мамлакатимиз Африка халқлари билан дўстликни сўзда эмас, амалда исботламоқда. СССР Миср ва Конгрев революциянинг ун қуришига йўл қўймади. Француз мустамлакачи-армиялари билан қуролли тўқнашувларнинг оғир йилларида жазоир ватанпарварларини қўллаб-қувватлади. Совет Иттифоқи Африка халқларига ҳеч қандай шартларсиз иқтисодий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ҳукуматлараро битимга мувофиқ, СССР Африка давлатларига 250 дан ортиқ объектни қуришда иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиши кўзда тутилган. Ассуан тўғони ва Нил дарёсидаги электростанция каби гигант иншоотлар шулар жумласидан.

Мустамлакачи империалистларнинг касрига қолиб, саводсизлик ва маърифатсизликнинг азобини тортган африкаликлар ўз миллий маданиятларини ривожлантириш учун бел боғлаганлар. Хат-саводсиз халқни маърифатли қилиш йўлида ҳам Совет Иттифоқининг ёрдами катта бўлмоқда. Мустамлака режими йиллари билан олишдан маҳрум этилган ва саводли бўлишга ташна африка халқлари Совет Иттифоқининг марҳаматидан ғоят миннатдор.

Африкалик бир неча минг ёшлар ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг турли ўрта ва олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар. Патрис Лумумба номига қўйилган Халқлар дўстлиги университети Африка қитъасида жуда машҳур. Бу университет ёш Африка давлатлари учун сув ва ҳаводек зарур бўлган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб беради.

Африка мамлакатларида ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим проблемалардан бири — давлат аппарати ва мамлакат экономикасини бошқароладиган миллий мутахассис кадрлар тайёрлашдир. Миллий кадрлар тайёрлаш масаласида қитъанинг илғор жамоатчилиги ривожланишининг янги, нокапиталистик йўлини қидирмоқда. Империализм идеологлари эса африка халқларига «цивилизация» келтиришдаги ўз ғаразли фаолиятларини ўтказишга турли йўллар билан уринмоқдалар.

1961 йил май ойида Аддис-Абебада Африка мамлакатлари маориф министрларининг иккинчи конференцияси чақирилди. Конференция ишида Совет делегацияси ҳам қатнашди. Ўқиш-ўқитиш ни қайси тилда — она тилидами, ёки собиқ метрополиялар тилида олиб бориш керакми, деган масала муҳокама қилинганда, Совет делегациясининг бошлиғи С. А. Азимов ва Озарбайжон ССР Маориф министри М. М. Меҳти-Зода конференцияда сўзлаган нутқларида ўқиш-ўқитишни она тилида олиб бориш миллий маданият ва маорифни чинакам равнақ топтириш учун зарур шарт эканлигини далиллар билан исботлаб бердилар. Конференция Совет республикаларида таълим-тарбия ишларини она тилида олиб боришнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олди ва келгусида бу тажрибадан фойдаланишга қарор қилди.

Шундай қилиб, Африка қитъасининг уйғониши халқ маорифининг ривожланишига кучли туртки берди.

Африка халқлари мустамлакачиликнинг ҳаммаз саҳодаги оғир ва даҳшатли қолдиқларини қатъийлик ва мардлик билан тугатмоқдалар, ўз эрк ҳоҳиши билан ўзининг мустақил ва озод ҳаётини тикламоқдалар.

Эндиликда Осиё ва Африкада барбод бўлган мустамлакачилик системасининг тикланиши учун ҳеч қандай замин қолмади. Империалистлар бехуда уринмоқдалар. Бир вақтлар бош министр қилиб тайинланган вақтида «мен Британия империяси емирилишининг гувоҳи бўлиш учун бош министр бўлганим йўқ», деган У. Черчилль, эндиликда мустамлакачилик сиёсати барбод бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибди.

Н. С. Хрушчев айтганидай, тарихчилар кишилик жамияти тараққиётини ўрганганларида XX асрнинг ўртасидаги даврни янги дунё, эркин ва мустақил яшаш дунёсини барпо қилиш даври деб аташ учун ҳамма асосга эга бўладилар. Инсоният учун энг шармандали ҳодиса бўлган мустамлакачиликнинг емирилиши замонамиз ҳислатларидан биридир.

Бурҳон ЗИЯЕВ.

ОЧИҚ ВА ЁПИҚ

(АФРИКА КИТОБИНИНГ ТУГАЛЛАНМАСИ)

Қўшиқларга
Ва жўжиқларга,
Ошиқларга
Ва бошлиқларга,
Дилкаш одамларга очиқ Африка,
Писта, бодомларга очиқ Африка.
Ғорларнинг ичидаги кўнгарган ҳарсанглар-у
Тилсиз маданият шаклларини,
Минг йиллик тарихларни босган қизил
заҳлар-у
Халамкатта* нақлларини,
Ўрмонлардаги сувсоқ жайрон сўқмоқларини,
Гўё Одам отонинг ёғоч тўқмоқларини
Кўришга, тинглашга ишқибоз,
Шамолдай инграшга ишқибоз
Сайри-сайёҳларга очиқ Африка,
Қайқ-қаёқларга очиқ Африка.
Яхши мехмон ўз кўнгидай,
Уз эпчили ва кўнгидай.
Шоирнинг оқ шеъридай худди
Бир-бири-ла қофияламас
Шоҳиншоҳми ёки девона,
Мухтор элчи ёки савдогар,
Маликами ёки қўйчивон
Шайхулислом ёки бир даҳрий,
Ким бўлмасин, майлига, бироқ
Шумликлардан бўлса у йироқ,
Сайдин қўйган сайёд бўлмаса,
Тиғи бурро жаллод бўлмаса,
Ва бўлмаса риёнор, шайтон,
Азроилдай шафқатсиз, ёмон,
Ундайларга очиқ Африка,
Нозик-неъматлари чочиқ Африка.
Ундайларга Африка художўй ва муқаддас.
Ундайларга Африка тарихий ва беқиёс.
Ундайларга Африка одамохун, қаҳажон.
Ундайларга Африка унажон ва анажон.
Ундайларга Африка ернинг битта киндиги.
Ундайларга Африка эртанинг бир индини.
Лекин кимки дорлар қураркан,
Бойқушлардай қаҳ-қаҳ ураркан,
Пойлаб юраркан,
Тирикларни чирқиратаркан,
Шабнамга қон тирқиратаркан,
Зирқиратаркан,
Ундайларга Африка ялангоч, хунук, тамбал.
Ундайларга Африка санчиқли тикан, чангал.
Ундайларга Африка одамови, ёввойи.
Ундайларга Африка бадавий ва саҳройи.
Ундайларга Африка қора жаҳаннам, дўзах.
Ундайларга Африка қатагон, жуда узоқ.

Бахшининг ўхшатари яхши деганлар,
Сўзнинг мухтасари яхши деганлар.
Хулласи калом.
Қилсам мен тамом:
Гулчиларга очиқ Африка.
Қулчиларга ёпиқ Африка.

Султон АКБАРИЙ

* Халамкаталар — Африка эпосининг ижодчилари.

ФАКТЛАР, РАҚАМЛАР...

● Африка майдони ороллари билан бирга 30 миллионга яқин квадрат километрдан иборат. Бу территорияда қариб 240 миллион киши яшайди.

● Ҳозирги вақтда қитъада 33 та мустақил давлат бор.

● Африкадаги ишчилар синфининг сони тахминан 15 миллион кишидан иборат. 3 миллионга яқин ишчи касаба союз аъзоси.

● Осиё ва Африка мамлакатлари БМТ Бош Ассамблеясида 110 ўриндан 57 тасини эгаллаганлар.

● Совет Иттифоқи 250 та объект қуришда Африка давлатларига иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатмоқда.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

ЖОН БЕРНАЛНИНГ ПАПА ИОАНН XXIII ГА ТЕЛЕГРАММАСИ

ЛОНДОН, 12 апрель. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгашининг ижрочи президенти профессор Жон Бернал Рим папаси Иоанн XXIIIга янги энциклика эълон қилинганн муносабати билан телеграмма юборди.

Профессор Бернал папа Иоанн XXIII нинг чақириғини табриклайди ва энцикликада санаб ўтилган буюк инсонпарварлик мақсадларига — ядро синовларининг дарҳол тугатилишига, ядро қуролининг тақиқланишига, эҳр бериб қуролланишнинг тўхатилишига, батамом ва контроль қилинадиган умумий қуролсизланишга эришишга, шунингдек ирқий камситишнинг ва кишилар тенглигининг рад этилишининг тўхталишига эришиш зарур эканлигини таъкидлайди.

ОКЕАННИНГ ТАГИДАН АТОМ ЗАРРАЧАЛАРИ ТАРҚАЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 12 апрель. (ТАСС). Вудсхоллдаги (Массачусетс штати) океаношунослик институти директорининг ўринбосари Б. Кетчем Атлантик океаннинг АҚШ «Трешер» атом сувости кемаси ботган районида жуда кўп атом заррачалари тарқалади, деди.

БИРЛИГИМИЗНИ БУНДАН БУЁН ҲАМ МУСТАҲКАМЛАШИМИЗ КЕРАК

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ СИЕСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 12 апрель. (ТАСС). Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси кеча баёнот эълон қилди. Сиёсий бюро бу баёнотида кон ишчилари умумий забастовкасининг натижаларидан ва кон ишчилари билан мисли кўрилмаган бирдамлик ҳаракатидан мамнун эканлигини билдиради.

Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси кон ишчиларининг мардона қураши меҳнаткашларнинг бошқа қатламлари, жумладан темирйўлчилар, электриклар, газ саноати ходимлари, Париж шаҳар транспорти ходимларининг (булар катта муваффақиятларга эришдилар) курашини кучайтиришга ёрдам бераётганлигини кўрсатиб, қуйидагиларни таъкидлайди: «Деголлчилар режими бу синов натижасида зиғиллашиб қолди, меҳнаткашларнинг бирлиги эса мустаҳкамланди». Бундай бирлик ҳозир ҳар қачонгидан кўра кўпроқ керак: бу бирлик бутун мамлакатга ёйилиши ва ҳамма жойда мустаҳкамланиши лозим.

Баёнотда молия олигархиясининг ва унинг манфаатларини ифода этаётган ҳукуматнинг, жумладан, нархларни, тариф ва солиқларни ошириш йўли билан меҳнаткашларни курашда қўлга киритган ютуқлардан маҳрум этиш йўлидаги уринишларини барбод қилиш зарур эканлиги айтилади.

Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси меҳнаткашларни «эришилган муваффақиятларни ячада қўлайтириш» учун ўзларининг ҳаққоний талабларини қондириш йўлидаги курашларини тағин ҳам кучайтиришга даъват этади.

У. ТАНнинг МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 апрель. (ТАСС). БМТ бош секретари У Тан Рим папаси Иоанн XXIII нинг зўр бериб қуролланишга хотима бериш ҳақидаги чақиригини кеча қўллаб-қувватлаган. У Тан матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Рим папасининг бу масаладаги концепцияси унинг ўз концепциясига тўғри келишини айтди ва БМТнн тинчлигининг таъсирли воситасига айлантириш зарурлигини таъкидлаган.

Сўнгра бош секретарь ҳозирги халқаро аҳволга оид саволларга жавоб қайтарди, амалда НАТО доирасида кўп томонлама ядро кучлари вужудга келтиришдан иборат Ғарб давлатлари мўлжаллаётган планга қарши фикр билдирди. «Милтиқ курогини кўп бармоқ тутиб турганидан бир бармоқ» тутиб турганн яхшироқдир —бу ҳар ҳолда хавфсизроқ бўлади,— деди у.

Японилдаги корхоналарнинг ишчилари ўзларининг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, корхона эгалари билан кураш олиб бормоқдалар. «Ямато Электрикл» компанияси ишчиларни кўплаб бўшатмоқда. Маъмуриятнинг қонунга хилоф равишда қилган ҳаракатларига қарши норозилик билдириб, мингга яқин киши забастовка ўтказди. Суратда: Анита қишлоғидан келган деҳқонлар забастовка қилган ишчиларга гуруч келтирдилар.

Джапан Пресс—ТАСС фотоси.

КУБА МЕТАЛЛУРГЛАРИ УЧУН

ЛЕНИНГРАД, 12 апрель. (ТАСС мухбири). Ленинграддаги тўртта йирик лойиҳалаш институти коллективлари Куба Республикасига ўз металлургия базасини кенгайтиришда ёрдам бермоқдалар. Ленинградлик бир группа мутахассислар қаҳрамон оролдан яқинда қайтиб келди.

Группа раҳбари, «Гипромез» институтининг инженери М. Н. Халезов ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Кубада қурилиши лозим бўлган тўла ишлаб чиқариш циклига эга бўлган металлургия заводини техника-иқтисодий жиҳатдан асослаш учун зарур маълумотлар тўпланди. Оролда мавжуд бўлган темир руда запаслари завод учун хомашё базаси бўла олади. Бу темир рудаларнинг таркибида никель ва хром жуда кўп. Ҳозир бу рудадан асосан никель ишлаб чиқариш учун фойдаланилмоқда. Металлургия заводининг қурилиши руда бойликларидан комплекс фойдаланиш имкониятини туғдиради. Куба ўз тарихида биринчи марта ўз чўяни, пўлати ва прокатига эга бўлади.

СИНФИЙ ЖАНГЛАР КУЧАЙИБ БОРМОҚДА

«КУРАШ КУНИ»

Францияда бу йил жуда кенг тус олган стачка курашига меҳнаткашларнинг янги отрядлари келиб қўшилмоқда. Энг катта авиация компанияси «Сюд—авиасьон» ишчилари ва хизматчилари 11 апрелда иш ҳақини ошириш ва иш ҳафтасини кискартириш ҳақидаги талабларни қўллаб-қувватлаш юзасидан «Кураш куни» ўтказдилар. Касаба союзларининг чақиригига биноан компаниянинг бир неча минг ишчи ва хизматчилари ўз ишларини икки соат тўхатдилар ва ўз талабларини билдириш учун дирекцияга делегация юбордилар. Мамлакатдаги нефть, химия ва резина саноати корхоналарида «Кураш куни» ўтказилди.

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ЖАВОБИ

Буюк Британия темир йўлчилар миллий касаба союзи ижроия комитети якин тўрт ҳафта ичида уч кунлик забастовка ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу забастовка ҳукуматнинг темир йўл транспортини кискартириш планига карши темир йўлчиларнинг қатъий норозилигини ифода этади. Ҳукуматнинг ана шу плани натижасида Англиянинг неча ўн мингдаб темир йўлчилари ишдан бўшатилади.

ПЕШҚАДАМЛАР ВА «ТОШБАҚА» ҚАДАМЛАР

Футбол бўйича мамлакат чемпионатида уч тур — 30 та матч ўйналди. Дастлабки пешқадам, «тошбақа» қадам командалар ҳам ажралиб қолди. Ҳозирча уччала ўйинни ғалаба билан якунлаган, ўз дарвозасидан битта ҳам тўп ўтказмаган грузин футболчилари биринчи бўлса, на бирон ғалаба, на бирон гол қувончини татимаган Ленинград динамочилари охирги ўриндан қўзғалолмай турибдилар. Мана, турнир жадвали:

1. «Динамо» Тб.	6	6—0		12. «Зенит»	3	4—7
2. ЦСКА	5	5—1		13. «Пахтакор»	2	1—2
3. «Динамо» К.	5	7—3		14. «Торпедо» М.	2	2—3
4. «Спартак»	4	8—3		15. «Арарат»	2	5—6
5. СКА	4	5—1		16. «Нефтяник»	2	2—4
6. «Қайрат»	4	4—2		17. «Молдова»	2	0—3
7. «Динамо» М.	4	2—0		18. «Крилья Советов»	1	2—4
8. «Торпедо» К.	4	3—2		19. «Авангард»	1	2—6
9. «Локомотив»	3	1—1		20. «Динамо» Л.	0	0—7
10. «Шахтер»	3	1—3				
11. «Динамо» Мн.	3	3—5				

Эртага навбатдаги тўртинчи тур ўйналади. Бу ўйинда олдинмакейин турган «Зенит» билан «Пахтакор» учрашади. Ўйинлар жадвалга қандай ўзгартиш киритаркин?

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Ўзларининг прогрессив фаолиятлари учун таъқиб қилинаётган журналистлар билан бирдамлик юзасидан 15 апрелдан 21 апрелгача Халқаро ҳафталик ўтказилади. СССР Журналистлар союзи правлениеси секретариатининг 12 апрелдаги мажлисида Союз ташкилотларининг бу ҳафталикда актив иштирок этишлари тўғрисида қарор қабул қилинди.

Правление секретариати газета ва журнал редакциялари билан бирга полиграфия машинасозлиги корхоналарининг ҳамда полиграфик бўёқлар ва пигментлар ишлаб чиқарадиган заводларнинг ишига доир проблемаларни кенгроқ ёритиш учун бу корхоналарга журналистлар бригадаларини юборишга қарор қилди.

СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретариати бошқа бир қанча масалаларни ҳам қараб чиқди. (ТАСС).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ»

Журналнинг апрель ойи сони босмадан чиқди. Унинг дастлабки саҳифалари Ленин кунларига бағишланган. Е. Драбкининг «Ленин билан маслаҳатлашиб» сарлавҳали мақоласи, Сергей Антоновнинг «Азизим» ҳикояси шулар жумласидандир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари З. Раҳимбобоеванинг «Муҳим вазифа» сарлавҳали мақоласи яқинда бўладиган хотин-қизларнинг III съездига бағишланган.

Журналнинг бу сонида Маърифат Тожиҳалилованинг «Ўт юрак», Ҳакима Ҳасанова, Муҳаммаджон Саломовнинг «Қайноқ ҳаёт ичида», «Совет характери» рубрикаси остида Ф. Ҳўжаевнинг «Онадек меҳрибон» лавҳаларини, А. Абдуазимовнинг «Ҳаёт ҳикояси» очеркини, Эдуард Межелайтиснинг «Инсон» китобидан парчани ўқиш мумкин.

Журналнинг «Маданият университети» бўлимида СССР халқ артисти Комил Ёрматов Ўзбекистонда кино санъати ҳақида ҳикоя қилиб берган.

Бу ердан ташқари Демьян Беднийнинг туғилганига 80 йил тўлиши муносабати билан филология фанлари кандидати Кимё Аҳмаджонованинг Демьян Беднийнинг ижодига бағишланган мақоласи ҳамда Д. Беднийнинг шеърлари, С. Ҳасаннинг «Дўстлик гулдастаси» фотоочерки, филология фанлари кандидати доцент Ш. Абдуллаеванинг «Ёшликнинг қадрига етайлик» сарлавҳали мақоласи, Юрий Богдасаровнинг «Дарико» ҳикояси ҳам журнал саҳифасидан ўрин олди. Шунингдек журналнинг «Врач маслаҳати», «Пазандалар маслаҳати», «Фойдали маслаҳатлар» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар бор.

ОБ-ҲАВО

Бугун Тошкент шаҳрида ва областда ҳамда Келес массивида ҳаво вақти-вақти билан булутланиб туриши, момақалдироқ бўлиб, бироз ёғингр ёғиши кутилади. Эрталаб Тошкентда 15-17, областда ва Келес яйловларида 14-18, кундузи Тошкентда 24-26, областда ва Келес яйловларида 24-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент об-ҳаво бюроси.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 АПРЕЛДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг,** 12.20— **Узбек ёзувчиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги асарларида ватанпарварлик темаси** («Мактаб»га ёрдам» циклидан), 13.00 —**Инглиз тили дарси,** 13.35 — **Кўк кўрфаз капитанлари** номли бадиий фильм.

Рус тилида: 14.45 — **Цирк майдонида ёшлар,** 18.00 — **Ажойиб боғ** (болалар учун мультипликаци. он фильм), 18.25 — **Океан тубида** (ҳужжатли фильм), 18.45 — **Телевизион янгиликлар.** 19.00 — **Оперетта куйлари,** 19.35 — **Бир қишлоқ йигитлари** номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 21.10 — **Телевизион миниатюралар,** 21.40 —**Телевизион янгиликлар,** 21.55— **Эстрада концерти.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Фрунзе телевидение студияси эшиттиришлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IV да кундуз **Этик кийган Мушук,** кечқурун **Маскарад,** 16/IV да **Шоир қалби.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IV да кундуз **Олов,** кечқурун **Алишер Навоий,** 16/IV да **Номус.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IV да янги спектакль **Ишқинг билан,** 15/IV да **Кимга тўй, кимга аза.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 14/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамбли концерти.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги аттракцион. **Анатолий Сонол** ўз ёрдамчиси — **электрон-механик ниши «робот» билан.** Бугун 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
16 апрель кеч соат 6 да
3-АТЕЛЬЕ ТОМОНИДАН
баҳор-ёз мавсумига тайёрланган

КИЙИМ МОДЕЛЛАРИ

намойиш қилинади.

Диссертация ёқлайдилар

1963 йил 23 апрель кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институти ҳузуридаги бирлашган илмий совет мажлисида (акт зали) қуйидагилар медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

И. А. Аъзамхўжаев: «Ўт йўлларини комбинацияли контраст метод билан рентгенологик текшириш» деган темада.

Л. Х. Иноятова: «Гипертония ва атеросклероз билан оғриган беморларни комплекс даволашда витамин «С» ва унинг табиий манбалари» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (К. Маркс кўчаси, 103-уй).

1963 йил 24 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг экономика бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 15-уй)

Х. Ю. Мусаев

иқтисодий фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистонда колхоз-кооператив мулкининг вужудга келиши ва тараққий этиши (1917—1937 йиллар)» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

26 АПРЕЛДА
1963 ЙИЛГИ

ПУЛ-ВУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

иккинчи чиқарилиш

БИЛЕТЛАРИНИНГ

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

бўлади.

30 ТИЙИНЛИК БИЛЕТГА «МОСКВИЧ» АВТОМАШИНАСИ, КОЛЯСКАЛИ МОТОЦИКЛ, ПИАНИНО, ХОЛОДИЛЬНИК, ТЕЛЕВИЗОР, МОТОВЕЛОСИПЕД, ГИЛАМ, ТИКУВ ЕКИ КИР ЮВИШ МАШИНАСИ, ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ БУЮМЛАР

ЮТИШ МУМКИН

Лотерея билетларини ҳар қайси омонат касса, магазин ва почтада, «Союзпечать» киосклаларида, театр ва кинотеатрларда, шунингдек лотерея билетларини тарқатишга жалб этилган айрим кишилардан сотиб олиш мумкин.

Тошкент шаҳар давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

ЛЕКЦИЯ-ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

Тошкент Давлат медицина институтининг кенг ва ёруғ аудиторияларидан бири. Зални тўлдириб ўтирган студентлар хирургия бўйича лекция тинглашаяпти. Педагог-хирург айтаётган сўзларининг исботи учун гоҳ операция столига мурожаат қилади, гоҳ лекцияни озгаки тушунтиришда давом этади.

Қизиқ, катта залга беморни ётқизиб қўйиб операция қилиш қандай бўлдийкин?! Ахир?! Ахир, бунга медикларнинг ўзлари ҳам сира йўл қўйишмайди-ку! Устигаустак лекция ками билан 90 минут давом этади. Бу орада операция столида ётган беморнинг ҳоли нима кечади...

Ҳа, мулоҳазангиз тўғри. Аммо, бу сиз ўйлаганча эмас. Тағин, педагог-хирургни ҳам, операция столини ҳам ўша кенг аудиториянинг ўзида экан деб юрманг. Залнинг тўрига қўйилган телевизор экрани аудиториядаги студентларни бутун машғулотдан бевосита воқиф қилиб туради. Хирург эса операция хоналардан бирида телевизор камераси олдида машғулот ўтказади.

Янги усулда машғулот ўтказишнинг қулай томонлари кўп. Аввало, операция жараёнини бир йўла 50—60 студент бемалол кузатиб туради. Иккинчидан, педагог лекцияни жуда эркин олиб боради.

Телевизор экрани орқали намойиш қилиш йўли билан машғулот ўтказиш жуда қўл келиб қолди.

А. АКБАРОВ.

ВАРАҚИ

— Ҳай, адаси, Каримахонникини йўқлолмай уятга қолдикда. Боласи ҳам катта бўлиб қолаяпти. Бугун дам олиш кунингиз. Ғир этиб бозорга тушиб бир сўмлиқ гўштдан бир килограмм, озгина пиёз. Ҳа айтгандек пиёзнинг жуда ҳам яхшисини танламанг. Дўконларда сурилиб қолгани бўладику, ўшанақасидан олинг.

— Сенларни оқма-маразларинг жонга тегди-да. Пиширгиларнигн еган одам юрак оғриги бўлса. Ўртада тоғора ёки икки килограмм гуруч овора, ҳолос.

— Нима қилайлик. Бу расм-русмлар ўзимизнинг ҳам жонимизга тегди. Қилмасангиз худди одамгарчиликдан чиқиб қолаётгандексиз. Барака топкур ҳеч нарса қилмайди, бир пастлик меҳнатингизни аяманг. Бугундан қолса яна қолиб кетади, — деб ялиниб-ёлворгандан кейин Асрор чор-ночор бозорга тушиб кетди.

Нарсаларни хотини айтганидан ҳам аъло қилиб олиб чиқди.

Салимахон енг шимариб пиширикни тайёрлади. 60 та варақини санаб тоғорага солди-да, бисотидан 2 метр штапелни устига қўйиб Каримахонникига чиқариб юборди.

Каримахон варақини санаса, 60 дона экан. Тўрттасини олиб 56 донасини Бўстоннинг уйига олиб чиқиб берди. У ҳам 6 донасини олиб қолиб, шу баҳонада Мастонникидан қутилиб олмасам уятли бўлиб кетдим деб тоғорани уёққа жўнатди. У ердан яна бир қўшниникига, қўйингчи, Салимахоннинг уйига тоғорани Ҳакимахоннинг ўғли Раҳимберди олиб чиқиб:

— Опоқи сизга ойим шуни бериб юбордилар, — деди.

Салимахон дастурхонни ечиб қараса ўзининг тоғораси, ўзи пиширган варақи. Бу айланмачоқни кўрган Салимахон бир хил бўлиб кетиб, варақини санаса 29 та қолибди. Тоғора жонивор эса маҳалладаги кўзи ёриган жувонларнинг уйини зиёрат қилиб охири ўз эгасига қайтиб келибди.

— Қудани оши билан қудағайни сийлай деб шуни айтадилар,— деди-да жаҳл билан тоғора ичига 4 та нон солиб яна Каримахоннинг уйига чиқариб юборди.

Бу иш Салимахонга қаттиқ таъсир қилган экан, ўша-ўша туғруқ сўрашни тарк этиб совға олиб бораднган бўлди.

З. ОРИПОВ.

ЗОВУР ТЕПА

Уй қурдик биз, йўлимиз йўқ,
Кўча, ўнгу-сўлимиз йўқ.
Қадам қўйсан зовур тепа,
Ҳайронликда кўзимиз лўқ.
Дарбозамиз олди тонзор,
Сабзавотлар ўсган қатор,
Юролмаймиз жой эгаси,
Екамиздан ушлаб тортар,
Ер-дўстлар билолмайди,
Излаб топиб келолмайди,
Қўлда адрес минг адашиб,
Келса қайтиб кетолмайди,
Баъзи кўча баланду-паст,
Юрганларни деярсиз маст,
Уймакон ер ахлат босган,
Келмас бунда бирон Санчасть.
Оқтепанинг биқини бу,
Ёзда тўзон, қишда лой, сув
Беш йил сарсон қилиб комхоз
Тоқатимиз тоқ қилди-ну!

Одилхон ЮНУСХОНОВ.
Чилонзор райони, Оқтепа массиви, Огаҳий кўчаси.

ЧЎТҚИМОК

ОТДАН ТУШСА ҲАМ...

Маҳаллада кибр ҳаво билан кўкрак кериб юрган Шамсиевнинг тўсатдан ҳаловати йўқолди. Оёғи қўйган товуқдек типирчилаб қолди. У жароҳати сув йиғмасдан маҳалладаги ўзига яқин «лаббайчи»ларни тўплади.

— Ғанимлар устимиздан материал берибди,— деди у фиғони ошиб,— корини топмасак иш чатоқ. Борди-ю, менга бирор гап бўлгудек бўлса сизлар ҳам..

— Нафасингизни иссиқроқ қилинг ҳўжайин, ўлимдан бошқасига туриб бермаган ҳам номард. Бир ёқадан бош чиқарсак ҳеч гапмас. Дадил бўлаверинг.

Дарҳақиқат 1961 йилда Шамсиевнинг ниқоби йиртилиб «ирромлиги ошкор бўлди-ю, лекин ишлар босдибосди қилиб юборилди. Ўша кезда умум мажлисга шайланиб келган Шамсиевнинг мухлислари тўс-тўполон қўтариб, «бизга дунё керакмас, шамсиевдек ноёб домком керак» деб аюханнос солишди. Ғовғони босмоқчи бўлган мажлис раисини минбардан қувлаб туширишди.

Ана шундан сўнг раис маҳаллани муҳирлаб олди. Айтгани-айтган, дегани-деган бўлди. Қани битта-яримтаси энди унинг сўзини иккита қилиб кўрсинчи!

Кўпдан буён жон қойитмай пул топишни орзу қилиб юрган Ж. Халилов бир куни Шамсиевга йўлиқди.

— Ҳўжайин,— деди у таъзим билан,—чойхонани каминага бир бало қилинг.

— Хўш...— бироз сукут қилди раис.

— Сазамиз ўлмасин ҳўжайин, бизҳам яхшиликни унутмайдиганлардан...

Эртасига қарабсизки, хусусий даромад манбаига айланиб қолгани учун трест томонидан беркитиб қўйилган чойхонанинг қулфи бузилди, жўмрақдаги пломба узилди.

Чойхона калитини Халилова топшираг экан: «рухсат-пухсатнинг кераги йўқ. Биров гинг деса менга учраш. Ҳар бош суққанимда «яримтаэни тайёрлаб турсанг бас»,— деди раис гердайиб. Тез кунда чойхона 3-4 бекорчининг машғатгоҳига айланиб қолди.

Нима ҳам бўлди-ю, бир куни ишчи Р. Шарипов иттифоқо бу ерга кириб қолди. Майбозлик шу қадар авжига чиққан эдики, бирдан унинг бошига алининг гурзисидек мушт тушди. Бир зумда майхона эўравонлари унинг бошини ёриб, лунжини пуффакдек шиширишди. Жабланувчи касалхонага олиб кетилди.

Тунда безорилар тўппа-тўғри Шамсиевнинг хузурига келиб ер ўпишди.

— Иш чатоқ ҳўжайин, мастлик устида бировни...

— Эшитдим,— деди раис уларнинг сўзини бўлиб,— менга қолсаку, ўтган ишга салават деб қўяқолардима, лекин ҳиди чиқиб қолмаса деб... Дарвоқе участковой Тўлаганов ўзимизники-ку.

— Маҳалланинг каттаси сиз. Нима десангиз шу бўладида. Биз ҳам қараб турмаймиз. Шу иш тинчиб кетса... Безорилар «яримта»ни ўртага гувоҳ қилиб, бир мазза қилардик дейишди.

Раис тушмагур «яримта»нинг номини эшитиб чехраси қиш чилласида чиққан қундек ёришиб кетди. Оғзининг таноби қочди. Шу зохотиёқ унинг тахрири билан акт тузилди. Унда калтак зарбидан шикаст топган гуноҳсиз Шарипов «гуноҳкор», асил безорилар эса «қўй оғзидан чўп олмаган беозор, мўминтой» деб ёзилди.

— Ия, тўхтанг, ҳўжайин бу беозор деганингизмі...

—Ишларинг бўлмасин. Бу ёғини ўзим тўғрилайман. Ҳа, айтгандай «яримта», йўқ-э, эсим қурсин, ҳалиги туя кўрдиларингми? Йўқ!

Дунёда зап қизиқ одамлар бор-да, Худойберди ароқхўр деган ном унга камлик қилгандек, энди унинг ёнига порахўр сўзини ҳам қўшиб «Худой берди ароқхўр ва порахўр» деб болохонадор қилиб таърифлашадиган бўлиб қолишибди. Бунинг жони бор, ширинкома баҳонаси билан М. Шамсиевдан 80 сўм, Б. Зокироддан 50 сўм, Султоноддан ундирилган 100 сўм пул раис билан муовин — Панкратов ўртасида «арра» қилинди. Раис маҳалла ҳаражати учун тўпланган 100 сўм пулни ҳам Р. Расулевдан ундириб ҳамёнга урди.

Маҳаллада нима кўп, ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар кўп. Шамсиев ана шу уй эгаларини «план олиб берамаи» деб тузоғига илинтирди. А. Ф. Иванов 150 сўм, Собитов эса 120 сўмга қуйиб қолишаверди. Т. А. Самиевадан «прописка назри» деб 40 сўм олганига ҳам ҳа демай бир йилдан ошиб қолди. Қўйингчи, раиснинг бундай «еп кетди, ичиб кетди» ларини санаган билан адо бўлмайди

Куни кеча Октябрь район Уйғур маҳалласи активларининг йиғилишида Шамсиевнинг ана шундай кирдикорлари очиб ташланди. Уни раисликдан олишга қарор қилишиди. Лекин Шамсиев отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмаяпти. Хозирча маҳалла активлари бу кўчадан юрса, Шамсиев маҳалла мухрини чўнтакка солиб олиб чап бериб бошқа кўчадан юрибди. Лекин у ҳар қанча чап бермасин, барибир маҳалла умумий йиғилишида ўз қилмишларига яраша жавоб беришга мажбур-ку!

Н. ҲЎЖАЕВ, Р. УСМОНОВ,
шахсий пенсионерлар.

М. ИБРОҲИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

„ЧАЛАСИГА ҚАРЗДОРМИЗ“

ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти яқинда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Хоразмда яшаб, ижод қилган Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг ғазаллар тўпламини нашрдан чиқарди.

Кўплар қатори биз ҳам тўпламни қизиқиш билан сотиб олдик. Китобни варақлаб, ғазалларни ўқийбошладик. Лекин китобни охиригача ўқиш бизга насиб бўлмади. Ошдан тош чиқиб қолгандай ёки фильм кўрсатилаётган пайтда лента узилиб кетгандай, бу тўпламнинг айрим оқ саҳифалари таъбимизни хира қилди. Китоб ниҳоятда масъулиятсизлик ва ҳафсалосизлик билан нашр қилинган. Тўпламнинг баъзи бетлари сутдек оппоқ, ҳеч вақо йўқ. Қани энди ўша бетларда ғазаллар бўлганда-ю, мириқиб ўқирдик.

90-бетдаги «Навоий ғазалига муҳаммас», 94-бетдаги «Фузулий ғазалига муҳаммас» шеърлари босилмай қолган. 98-бетдаги «Огаҳий ғазалига муҳаммас» шеърининг фақатгина охирги уч байти берилган, холос. 101-бетдаги «Огаҳий ғазалига муҳаммас» шеърининг эса охирги беш байтини куппа-кундуз куни чироқ билан қидириб ҳам тополмадик. Устига-устак, тўпламда мундарижа ҳам насия қилинган!

Эшитишимизча, Ўзадабийнашр ва 1-босмахона ходимлари кенг китобхонлар оммасидан хижолат бўлиб «чаласига қарздормиз» дейишаётган эмиш.

К. ПАРДАЕВ,
Н. ҚАЮМОВ,
ТошДУ студентлари.



Усти ялтироқ, ичи қалтироқ...

ТУТУРИҚСИЗ МАРШРУТ

Хоҳланг Тошкент шаҳар пассажирлар ташиш трести раҳбарларига (бошлиғи Здрайковская) гап уқтиринг хоҳланг сиртига ёғ суркалган терига сув пурканг барибир. Ҳар иккисидан ҳам бир хилда ҳузур топасиз. Ахир «Тошкент» меҳмонхонаси — «Мактаб-интернат» маршрутида катновчи 38-сонли автобус пассажирлар талабини қондира олмаётганлиги ҳақида трест раҳбарлари номига бир неча бор хат юборилди, газеталарда танқид қилинди. Йиғинларда тилга олинди.

Нимасини айтасиз. Аҳвол шу даражага етдики. 38-автобус деса, пассажирларнинг наҳорга ташвиши ортиб, кечқурун эса қўйинг-чи, уйга қайтиш ҳам малол келадиган бўлиб қолди. Тунов куни «Тошкент» меҳмонхонаси остоновкасида шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик. Кечки пайт. Соат етти ярим-саккизлар чамаси. Эллик-олтмиш чамаси пассажирлар кўзи автобус йўлига мунтазир... Ҳа деганда келабермагач, кутаберіб сабр косаси тўлган кишиларнинг баъзилари диспетчер аёлдан «бу маршрутда қачон тартиб ўрнатилишини сўраб, уни саволга тутишса, баъзиларі э, биродар, саткаш гапингиз кетсин дейишарди.

Ҳа, бундай ўринли эътироз ва таъналарни фақат бу ердагина эмас, деярлик ҳар куни ҳар бир остановкада эшитиш мумкин. Чунки 3-автопаркдан бу маршрутга ҳар куни 8 та ўрнига бор-йўғи 3 ёки 4 та автобус чиқарилади. Шу сабабли ҳам пассажирлар остановкаларда 30—40 минутлаб автобус йўлига мунтазир бўлиб кутишга мажбур бўлмоқдалар.

Гапнинг лўндаси шуки, ўртоқ Здрайковская ўзингизни қадеб гўлликка солаберишингиздан фойда йўқ. Яхшиси, жамоатчилик талабига жавоб беринг.

Ш. АБРОЛОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданинт, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06842. ИНДЕКС 64695 А. 1572.